**Профилактик тадбирлар.** Профилактик таъмирлашнинг мақсади, икки таъмирлаш орасидаги вақтда ускуналарнинг жадал суръатлар билан емирилишини олдини олиш ва уларни тўғри ишлашни таъминлашдан иборатdir. Тадбирлар таъмирлашлараро хизмат кўрсатиш, бу хизматларнинг такомиллашган усуллари ва шаклларини ишлаб чиқиш, таъмирлаш вақтида юзага келадиган конструкцияларни ва технологик жараёнларни модернизациялаш, зарур бўлган техник хужжатларни олиб бориш (баъзида ишлаб чиқиш) ва х.

Кимё ва нефтни қайта ишлаш корхоналаридаги ускуналарга техник (таъмирлашлараро) хизмат кўрсатиш (профилактик кўрик, техник эксплуатация қоидаларига риоя қилишни назорат қилиш, таъмирлаш) барча ускуналарни мажбурий паспортлаштирилишини назарда тутади. Бир хил турдаги ускуналарнинг гурухлари учун битта паспорт формуляр бўлиши мумкин, лекин, у ҳолда уларнинг ҳар биттаси учун алоҳида варақ бўлиши шарт. Ускуналарнинг паспортлари ГОСТ талаблари асосида тузилган бўлиши керак. Қоида бўйича улар ускуналарни етказиб берувчи заводларда тузилади. Такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқарилаётган барча конструктив ўзгаришлар унинг паспортига ёзиб қўйилади. Ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида қабул қилинган, технологик режимга қатъий тўғри келадиган паспорт (формуляр)га асосан

ускуналарга техник хизмат кўрсатиш бўйича ва эксплуатация бўйича йўриқномалар тузилади. Унинг мазмуни ГОСТ 2601-68 бўйича аниқланади.

Техник хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномалар (ишлаб чиқариш йўриқномалари) ускуналарнинг қарови ва уларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, таъмирлашга тайёрлаш бўйича, таъмирлашдан кейинги қабул қилиш ва ишга тушириш бўйича ўтказиладиган барча тадбирлар мазмуни ва тартиби ёзилган тўлиқ ёзма изоҳини ўз ичига олади. Эксплуатация бўйича йўриқномалар (технологик хариталар) ускуналар эксплуатацияси технологик параметрларининг рухсат этилган чегаралари (босим, температура, суюқлик сатҳи, ишлаб чиқариш, юклама ва х.)ни белгилайди.

Техник хизмат кўрсатиш эксплуатацион (оператор, аппаратчи, машинист) ва хизмат кўрсатувчи (мастер ёрдамчиси, навбатчи слесарь) ходимлар орқали амалга оширилади. Улар маҳсус тайёргарликдан ўтган, йўриқнома олган ва ускуналарни ишлатишда барча эксплуатация шартларига риоя қилишлари ва жавобгарликни зиммаларига олишлари керак. Хизмат кўрсатиш ходимлари вакти-вакти билан аттестация қилинади, сўнгра ҳужжат асосида расмийлаштирилади.

Техник хизмат кўрсатиш ўз ичига: технологик хариталарни ва ишлаб чиқариш йўриқномаларини кўз билан ва назорат-ўлчов асбоблари кўрсаткичлари бўйича барча шартларга амал қилиш; мойлаш ва совитиш тизимларини (баъзи ҳолларда иситиш тизимларини ҳам) пухта ҳолатда сақлаш; майда таъмирлашлар (салъникларни тортиш, кичик ўлчамдаги арматураларни алмаштириш, масъулияти кичик жойлардаги нозичликларни бартараф қилиш ва х.). Агар аниқланган ишдан чиқкан жойларни ишга тушириш қийинчилик туғдирса ва бунинг натижасида авария ҳолати юзага келса, хизмат кўрсатиш бўйича бошлиқ участка эксплуатация хизмати раҳбарини бу ҳақида хабардор қиласи ва ишдан чиқкан ускунани аввал заҳирада бўлган шундай ускунани ишга туширгандан сўнг (агар шундай ускуна бор бўлса) тўхтатади, бунда тизимда ҳалокат бўлмаслигини таъминловчи барча шартларга амал қилинади.

Кузатиш натижалари ва ўтказилган таъмирлаш ишлари таркибини хизматчи ходимлар иш сменаси журналига ёзиб қўяди, қайсики бу журналга ускунанинг ҳозирги амалдаги ҳолати ва иш сменаси топширилаётгандаги омиллар ҳам расмийлаштирилади. Ушбу журналдаги ёзувларга ва жойдаги текширувлар, ҳамда кузатувлар натижаларига биноан таъмирлаш хизмати нормал эксплуатация шароитини таъминловчи керакли чора-тадбирларни қабул қилиши зарур.

**Таъмирлаш таркиби ва йўналиши.** Таъмирлашнинг 2 кўриниши бор: жорий ва капитал. Улар йўналишига кўра, таркибига ва ҳажмига биноан, шунингдек, такрорлаш частотасига кўра бир-биридан фарқ қиласи.

Жорий таъмирлаш деганда, кутилаётган режавий таъмирлашга белгиланган ишчи параметрлар чегарасида ускуналарни нормал эксплуатация қилишни таъминлаш мақсадида таъмирлаш ёки бузилган детални алмаштириш бўйича олиб бориладиган режалаштирилган ишлар мажмуаси тушунилади.

Жорий таъмирлаш ишларининг муддати ва кетма-кетлиги тасдиқланган жадвалга қараб белгиланади. Узлуксиз ишлайдиган ускуналарни таъмирлаш ишларини олиб бориш учун тўхтатиб қўйиш керак (одатда бу технологик

машинани биргаликда тұхтатиши, масалан, усқуна ёки цехни). Вақти-вақти билан ишлайдиган усқуналарни ишламайдын сменада таъмирланади, захирадаги билан алмаштирилади, ёки үрнини алмаштириш вақтида таъмирланади.

Жорий таъмирлаш кичик ҳажмга эга. Жорий таъмирлаш вақтида усқуналарнинг фақат баъзи бир деталларигина ажратыб олинади. Дикқат билан кўрик ўтказилганда усқуналар ҳолати аниқланади ва кичик таъмирлаш ишлари ўтказиш йўли билан унинг ишга яроқлилиги қайта тикланади, бундан ташқари едирилиш жадаллиги ва характеристикиларидан таъмирлашни ҳажми ва вақтини тўғри белгилаш учун жуда муҳимдир.

Капитал таъмирлаш – ҳажми бўйича катта режалаштирилган таъмирлаш бўлиб, унда усқуналарни деталлари ҳолатини аниқлаш мақсадида ҳажми бўйича бўлакларга бўлинади (шу билан биргаликда бутунлай қисмларга ҳам бўлинади) ва ишга яроқсиз бўлиб қолган барча қисмлари алмаштирилади. Капитал таъмирлаш натижасида усқуналар бошланғич техник характеристикаларигача қайта тикланиши керак. Бу таъмирлаш бошқаларидан таъмирлаш муддатининг узунлигига ва қайтарилиш частотасининг кичиклиги билан фарқ қиласи.

Усқуналарни капитал таъмирлаш вақтида, агар уларни қайта тиклаш мумкин бўлмай қолган бўлса, ёки катта сарф харажатларни қоплай олмайдиган бўлса ёки усқуналар маънавий эскирган ва усқуна эксплуатациясининг янги юқори параметрларини таъминлаш ҳолатида бўлмаса, уларни бутунлай алмаштириш мумкин. Капитал таъмирлаш вақтида, одатда усқуналарни баъзи бир қисмларини алмаштириш йўли билан модернизация қилинади. Модернизация ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларининг ошишига ёрдам беради, шунинг учун уни ҳар қандай йўл билан кенг оммалаштириш керак.

Баъзи бир корхоналар учун ўртacha таъмирлаш тоифасини киритиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Ўртacha таъмирлаш ўтказиладиган ишлар ҳажми, давомийлиги ва такрорланиши бўйича жорий ва капитал таъмирлашлар орасидаги жойни эгаллайди.

Жорий таъмирлаш ҳажмини салгина оширишда икки капитал таъмирлашлар орасидаги жиҳозлар хизмат муддатини чўзиш мумкин, яъни таъмирлашнинг ҳар қандай қўринишларига сарфланадиган куч ва воситаларини иқтисод қилишнинг энг қулай шароитлари таъминланади. Шу мақсадда «Кимё саноати корхоналари усқуналарининг таъмири ва техник хизмат кўрсатиш тизими»да баъзи бир конструкцияси мураккаб бўлган усқуналар учун нормативда жорий таъмирлашни катта ҳажмда ўтказиш ёки бўлмаса, кичик ҳажмдаги қўшимча капитал таъмирлашни қўшиш имкони кўриб чиқилади.

## **2-Mavzu. Ta'mirlashni rejalashtirish**

### **2.1. Таъмирлаш тизими.**

Таъмирлашнинг барча турлари аввалдан белгиланган кетма-кетликда маълум бир қайта ишланган агрегат (машина) – соат сонида бажарилади. Таъмирлашлараро (ёки таъмирлаш) цикли деб, бир капитал таъмирлашдан кейинги капитал таъмирлашгача бўлган вақтга айтилади. Бу вақт таркибига режавий таъмирлашнинг ҳамма кўринишларидағи ускуналарнинг иши ва туриб қолиш ҳолатлари ҳам киради.

Асосий ускуналарнинг таъмирлаш циклининг давомийлиги кўпгина ҳолларда ягона тармоқли нормативлар билан аниқланади. Худди шу нормативлар орқали икки кетма-кет жорий таъмирлашлар орасидаги таъмирлашлараро давр ёки таъмирлашлараро ўтилган масофа деб аталадиган давр билан ускуналарнинг ишлаш давомийлиги белгиланади. Нормативдан рухсат этилган четлашиш таъмирлашлараро цикл учун  $\pm 10\%$  ни, таъмирлашлараро давр учун  $\pm 15\%$  ни ташкил қилади. Рухсат этилган нормативдан четлашиш, ускуналар ҳолатини яхшилаб текширилгандан кейингина мумкин ҳисобланади, бу ҳолда белгиланган шаклда акт тузилади.

Норматив натижалари бир конструкциядаги ускунага ва уни эксплуатация қилишнинг маълум бир шароитларига тегишилдири. Агар, аниқ бир кўриб чиқилаётган ускуна ушбу белгилар билан (муҳитнинг катта агрессивлиги, нисбатан пишиқ иш шароитлари) ажралиб турса, бу ускуна учун юқори ташкилотлар орқали тасдиқланган нормативлар қабул қилинади. Жойдаги нормативлар яна ягона нормативга эга бўлмаган ускуналар учун ҳам белгиланади. Бунда ускуналарнинг конструктив ва технологик хусусиятларидан, уни эксплуатация қилиш шартлари ва мустаҳкамликни оширувчи ва ускунанинг хизмат муддатини узайтирувчи аниқ ташкилий-техник тадбирлардан келиб чиқилади.

Нормативлар шунингдек, таъмирланаётган ускуналарнинг, уларнинг тизимдан узиб қўйилган вақтидан бошлаб, то циклга уланадиган вақтигача ҳисобдан чиқариб турилган ускуналарнинг тўхтаб туриш вақти давомийлигини ҳам назарда тутади. Технологик қурилма (цех) ни таъмирлашда тўхтаб туриш вақти, бу қурилмани (цехни) нормал режимга келтирилгунча бу қурилмага хомашёни узатишни тўхтатилган вақтдан бошлаб аниқланади.

**Таъмирлаш ишлари ҳажмини аниқлаш.** Таъмирлаш ишлари ҳажми ва уларнинг кетма-кетлиги ускуналарнинг конструктив ва технологик хусусиятлари ва иккита кетма-кет бўладиган таъмирлаш ишлари оралиғида ускуна

ишлишининг аниқ параметрлари орқали аниқланади. Бу омилларнинг ўзгармаслиги (бу кимё ва нефтни қайта ишиш заводлари ускуналари учун эҳтимолдан ҳоли эмас) ҳолатида бир номланган ускуналар учун таъмирлаш ишлари ҳажмидан тахминан ўзгармас бўлади. Шунинг учун таъмирлаш режасини тузишда ва сарфланадиган ишчи кучини ҳисоблашда, таъмирлашнинг ҳар бир турини ўтказишга кетадиган меҳнат сарфлари нормативларини жойжойига қўйиш зарур. Бундай нормативлар ЛОТ тўғрисидаги тегишли йўриқномаларда келтирилди ва уларга амал қилиш зарурдир.

Нормативлар, баъзи бир ўртacha шароитда ишлайдиган, умумий қабул қилинган конструктив расмийлаштирилган ускуналар учун берилган маълумотларга эга. Нормативларда берилган таъмирлаш шартларининг ўртacha қийматлари келтирилган. Шунинг учун, ҳар қайси аниқ ҳолатда, берилган норматив маълумотлар шундай корхоналарда ўхшаш ускуналар эксплуатациясида тўпланган тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Ташкилотчи-бажарувчилар билан ўзаро ҳисоб-китобларда ва таъмирлаш ишларини нархларини белгилашда, фақатгина бажарилган ишлар ҳажмидангина келиб чиқиш зарур.

Корхонада таъмирлашнинг амалий ҳажмини доимий камайтириб бориш ва турли ташкилий-техник тадбирлар ўтказиш йўли билан ускуналарни таъмирлашда туриб қолиш вақтини қисқартириш мақсадга мувофиқдир. Таъмирлаш ишлари ҳажми нормативда белгилангандан кам бўлган корхоналарда, фақатгина тажриба маълумотлари асосида режалаштириш керак.

Барча мутахассисликлар ишчиларига бўлган талабни ҳисоблаш, ускуналар гурӯхлари бўйича ҳар бир таъмирлаш тури учун иш таркибининг умумий иш ҳажмидан фоиз ҳисобида (меҳнат сарфи таркиби) нормативлар орқали кўриб чиқилади. Бу маълумотлар таъмирлаш ишларини режалаштириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бутун корхона учун таъмирловчи ишчиларга бўлган умумий талаб, бир йил учун ҳар бир ускуна бирлиги белгиланган режа бўйича аниқ бир сон тартибида ўтиши керак бўлган таъмирлашнинг ҳар қандай турларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

## **2.2. Таъмирлашни режалаштириш ва ташкил қилиш.**

Таъмирлаш жадваллари завод ускуналарини режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш бошқа асосий фондларни бўлгани каби (бино, иншоотлар, йўллар) аввалдан тузилган ва тасдиқланган режага қатъий амал қилинган ҳолда амалга оширилади. Бу режа тузилиши ва таркибига биноан ҳар хил корхоналар учун турлича бўлиши мумкин. Лекин, битта корхона ичida барча участкалар учун бир хил бўлади.

Таъмирлашнинг умумий режасини тузишда йиллик режалар ва технологик қурилмаларни ёки алоҳида ускуналарни режавий-огоҳлантирувчи таъмирлаш графиклари асосий бошланғич хужжат ҳисобланади. Режа ва графиклар, таъмирлаш нормативлари ва ишлаб чиқариш режасига қатъий амал қилинган ҳолда, шунингдек, таъмирлаш хизмати куч ва воситаларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Таъмирлашлараро цикл таркиби,

таъмирлашларо оралиқ ва ускуналарнинг таъмирлашда туриб қолиш давомийлиги таъмирлаш нормативи орқали аниқланади.

Капитал таъмирлаш жадвали лойиҳаси таъмирлаш ишларида шартнома бошидан иштирок этиши керак бўлган барча ташкилотлар билан аввалдан келишилади.

**Таъмирлаш ишлари қайдномалари.** Таъмирлашга тайёрланиш ва уни қисқа муддатларда ўтказиш учун таъмирлаш ишларини олиб борувчилар ўз олдиларига қўйган вазифаларини барча икир-чикирларини ва таъмирлаш ишлари ҳажмини билишлари керак. Шунинг учун иш бошлашдан олдин, қайдномалар тузилиши керак, бу қайдномаларда ушбу режавий таъмирлашда тегишли бўлган барча ишлар ҳар бир детали санаб ўтилади. Бу қайдномаларнинг тузилиши ҳар хил бўлиши мумкин, лекин улар талаб этилаётган ишчи кучини тўғри аниқлаш учун зарур бўлган материал ва захира қисмлари, шунингдек, барча таъмирлашнинг нархи, шу жумладан унинг алоҳида элементлари нархи ҳақида маълумотга эга бўлиши шарт.

Таъмирлаш ишларидан ташқари, қайдномаларга, меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган (техника хавфсизлиги бўйича номенклатура ишлари), ишлаб чиқариш учун зарурий бўлган ишлар (коммуникацияларни майда алмашлаб ушлаш, конструктив ўзгаришлар ва х.), шунингдек, технологик қурилмани қисман модернизациялашдаги ёки аниқ ускунани бутунлай модернизациялашдаги (эскисини янгиси билан алмаштириш) ишлар ҳам киритилиши мумкин.

Таъмирлаш ишлари қайдномасини (нуқсонлар қайдномаси) ўз вақтида бажарилиши талаб этиладиган ҳужжат деб ҳисоблаб бўлмайди. Таъмирланаётган ускунани диққат билан кўриқдан ўтказилганда, қисмларга ажратилганда ва очиб ташланганда қайдномада кўзда тутилмаган янги нуқсонлар аён бўлиши мумкин, ёки аксинча кўзда тутилган нуқсонлар иштирок этмаётган бўлиши мумкин.

**Ишларни ишлаб чиқувчилар.** ЛОТ тартиби бўйича амалга ошириладиган барча ишлар, ёки корхонанинг ўз кучи билан ёки ташқаридан маҳсус ташкилотлар билан биргаликда ўтказилади. Шартнома асосидаги ташқаридан иштирок этувчи ташкилотлар **пудратчилар** дейилади; шартнома тузабётган корхона эса - **буюртмачи** дейилади.

### **Таъмирлаш ишларини ишлаб чиқиши усувлари.**

Ускуналарнинг ўлчамлари, оғирлиги ва конструктив мураккаблигига қараб амалда таъмирлаш ишларини турли хил усувларда ўтказилади.

Энг такомиллашган усул бу – агрегатли усуздир. Унинг моҳияти шундаки, бу усулда таъмирланаётган ускуна пойдевордан олинниб, механик таъмирлаш цехига юборилади. Бу усул таннархни камайтиришга имкон яратади (айниқса, меҳнат сарфи қисмида), шунингдек, технологик ускунанинг таъмирлашда туриб қолишини кескин камайтиради.

Йирик ўлчамдаги ускуналарни таъмирлашда йирик қисмли усул қўлланилади. Бунда эскирган қисм янги, аввалдан йигилган қисм билан алмаштирилади. Бу усулни қўллаш фақатгина ўзаро алмаштиришга қатъий риоя қилингандагина мумкин бўлади.

Мукаммал ускуналар учун, шунингдек, юқорида кўрсатилган иккала усулни қўллашнинг иложи бўлмаган ҳолларда индивидуал таъмирлаш усули

қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, ускуналарнинг таъмирланаётган участкаларини қисмларга ажратилгандан сўнг, эскирган қисм ва деталлар, шу шароитда кўпроқ қулайроқ бўлган технология бўйича қайта тикланади. Бунда захира қисмларини кенг қўлланилиши, таъмирлаш муддатини қисқартиришга ишонарли асос ҳисобланади.

**Ишнинг ихтисослаштирилиши.** Таъмирлаш ишларини бажарувчиларни ихтисослаштириш – бу иш унумдорлигини ошириш учун энг зарур шартdir. Ихтисослаштириш – слесарларнинг қозон усталари, тақелажчилар, пайвандчилар ва бошқалар маҳоратини ошириш имконини беради, таъмирлаш ишлари сифатини яхшилайди. Баъзи йирик таъмирлаш базаларида тор доирадаги мутахассислик мақсадга мувофиқ деб тан олинган: ишчи фақат бир-иккита турдаги ускуналар учун мўлжалланган ишларни бажаради, масалан фақатгина компрессорлар ёки марказдан қочма насослар.

**Корхона таъмирлаш хизмати таркиби.** Асосий технологик, механик ва транспорт ускуналари, коммуникациялар, бино ва иншоотларни таъмирлаш хизмати завод, комбинат ёки ишлаб чиқариш бирлашмаси бош механизги томонидан бошқарилади. У яна бош механик бўлими (БМБ) бошлиғи ҳам ҳисобланади. Унинг вазифасига ЛОТ тизимини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, ускуналарни модернизациялаш, ишчи кучи талаб қиласиган технологик ва таъмирлаш операцияларининг механизацияси, таъмирлаш ишларини ишлаб чиқишнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган барча саволларни, масалаларни ечиш киради. Капитал қурилиш бўлими бўлмаган кичик заводларда бош механикка яна жорий асосий фондлар ва янги қурилиш ишлари ҳам юкланди. Бош механик бевосита корхона бош инженерига бўйсунади ва у билан таъмирлаш муддати, эксплуатация тизими, шунингдек, асосий фондлар реконструкцияси бўйича тадбирлар ўтказишни келишилган ҳолда бажаради.

Бош механикка корхонанинг марказий таъмирлаш базалари бўйсунади. Таъмирлашнинг цех раҳбарига бўйсунадиган технологик ва ёрдамчи-қўшимча цехлар участкалари ёки базалари ҳам техник нуктаи назаридан БМБга бўйсунади. Ускуналарни эксплуатацияси, таъмирланиши, зарур бўлган ҳисобга олиш ва ҳисбот бериш масалалари бўйича БМБнинг қўрсатмаларини, тартибли равишда қонун бўйича корхонанинг барча цехлари ва участкалари бажаришга мажбурдирлар.

**Техник назорат.** Заводларда асосий фондларнинг техник ҳолатини ва эксплуатациясини назорат қилиш учун техник назорат бўлими ишлаб туради. Бу бўлим корхона бош механикига бўйсунади. Техник назорат бўлими ускуналарнинг, труба қувурларнинг, биноларнинг ва ҳоказоларнинг маҳсус турлари бўйича мутахассисликка эга бўлган инженер-техник ишчилардан таркиб топган.

Техник назорат асосий фондларнинг (ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари, бино ва иншоотлар) хавфсиз эксплуатацияси ва қурилиши бўйича корхонада амал қилаётган қоида ва нормаларга сўзсиз риоя қилишни таъминлашга асосланади.

Техник назорат бўлими систематик ва режалаштирилган тартибда кўриклар ўтказади, тафтиш қиласи, амалдаги ускуналарнинг синовларини ва

техник ишлаб турганлигини текширади, шунингдек, ўтказилган таъмирлашнинг тўлақонли ва тўғри бажарилганлигини ва янги ускуналарнинг техник шароитларга мос келишини текширади. Назоратнинг юқори даражада ўтиши назорат-ўлчов асбоблари ва маҳсус назорат лабораториялари билан жиҳозланганлигига боғлиқ.

**Захира қисмлари саройини ташкил қилиш.** Қисқа муддатларда сифатли ва ўз вақтида таъмирлашни ўтказишга етарли даражада захира қисмларга ва таъмирлаш материалларга эга бўлгандагина эришиш мумкин. Фақат, уларнинг ортиқча миқдорда узоқ вақт давомида сақланиши, корхонанинг айланма воситаларининг тўхтатиб қўйилишига ва корхона техник-иктисодий кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун, захира қисмлар ва материалларининг таъмирлаш ишларини узлуксиз таъминотини муҳофазаловчи минимал миқдорини аниқлаш масалаларини аниқ ечиш талаб этилади.

Захира қисмларни тежаб ишлатиш, шунингдек, яна қайта ишлатиш мақсадида алмаштирилган қисмларни қайта тиклашни қаттиқ назорат қилиш жуда муҳимдир. Фақат, бундай ҳолатларда захира қисмларини номинал даражада мўътадиллаш ва таъмирлашнинг умумий нархини камайтириш мумкин.

Ускуналарни таъмирлашга тайёрлаш кимё ва нефтни қайта ишлаш заводларида алоҳида аҳамият касб этади. Бу заводларда портлаш ва ёнгин хавфлилиги ва заҳарли моддалар билан ишлаш яққол кўринадиган омил ҳисобланади. Шунинг учун таъмирлашга тайёрланиш бўйича ўтказиладиган тадбирлар таркиби ва кетма-кетлиги ускуналарни технологик картада ўрнатиш ёки ҳар бир ускунани эксплуатация қилиш бўйича йўриқномаларида муҳокама қилинади. Карталарни тузиш вақтида ускунага ёки тизимга тўлдирилган муҳит хоссаларига, ускуна ўлчамларига, шунингдек, танланган таъмирлаш турига аҳамият берилади.

Ускунани тўхтатиш, уни системадан узиш ва таъмирлашга тайёрлашни технологик персонал (аппаратчи, оператор) амалга оширади. Тўхтатиш вақтида температура, босим ва юкламанинг кескин ўзгариши ускунанинг жиддий ишдан чиқишига олиб келади. Шунинг учун йирик ускуналарнинг ёки технологик обьектларнинг тўхтатилишини участка (ўрнатилиш, блок, цех) бошлиғи бошқаради.

Тўхтатилган ускуналарни тўлдириб турган муҳитдан бўшатилади, бунда ўзи оқиб кетиши учун дренажлар, буғ ва ҳаво орқали пуфлаб тозалаш, сув билан ювиш ва ҳоказолардан фойдаланилади. Шундан сўнг, ускуналарни тизимидан ишонарли узиб қўйилади, бу вақтда очиб-ёпиладиган арматураларда ва улардан кейин, шовқинни ютувчи фланецли бирикмаларда ўрнатилади. Шовқинни сўндирувчилар рақамлар билан белгиланган яхши кўринадиган қилиб ёзиб қўйилиши шарт. Ҳар бир ўрнатилган шовқинни сўндирувчини иш сменаси журналида қайд қилинади. Бу журналда унинг ўрнатилган ва олиб ташланган саналари, ҳамда бажарувчининг исми-шарифи кўрсатилади. Шовқин сўндирувчиларни навбатчи слесарлар қўядилар, қатта ҳажмдаги ишлар олиб борилаётган вақтда эса, заводнинг таъмирлаш базаси томонидан ажратилган слесарлар бажарадилар.

Ускуналарни кейинги тайёрланиши уларнинг конструктив хоссаларига, аниқ шароитларга ва талаб этилаётган таъмирлаш характеристига боғлиқ. Бу

тайёргарлик ўз ичига ювиш ва буғлатишни, тартиб билан келадиган такрорланишларнинг аниқ сони, махсус реагентларни ишлатиш ва ҳоказоларни олади. Технологик хизмат таъмирлаш ишларини бажарувчиларга ускуналарни тайёрлигини кафолатловчи расмий ҳужжат беради. Ускунани капитал таъмирлаш вақтида аниқ бир шаклдаги далолатнома тузилади. Унда ускуна ва коммуникацияларни таъмирлашга тайёрлиги таъкидланади ва таъмирлаш вақтида хавфсизликни таъминлашнинг асосий чоралари айтиб ўтилади.

Ускуналарни ўз вақтида таъмирлашга топшириш ва тайёрлаш вазифаси ишлаб чиқариш цехи бошлиғига юклатилади. Ускунанинг ўзида ёки у ўрнатилган ҳудудда пайвандлаш ва бошқа оловли-ўтли ишлар олиб бориш учун ёзма рухсат, тасдиқланган шаклга асосан тузилади. Завод бош инженери (цех бошлиғи) томонидан имзоланган бундай рухсатнома ёнғин хавфсизлиги вакили томонидан имзо қўйилиб, бу вакил иш бошлангунга қадар ва иш давомида расмийлаштирилган рухсатномада ва корхонанинг умумий техника хавфсизлиги қоидаларида айтиб ўтилган барча амалларга қатъий риоя қилинишини текширади.

### **2.3. Машина ва қурилмаларни йиғиши ва қисмларга ажратиш технологияси.**

Ҳар қандай ускуналар алоҳида элементлардан тузилган бўлиб, улар техникада блоклар, қисмлар ва деталлар деб аталади. Бирламчи элемент детал бўлиб, унинг характерли белгиси – унда ҳеч қандай бирикмалар йўқдир. Ускуналарнинг бошқа элементларидан алоҳида қисмларга ажратилиши ёки йиғилиши мумкин бўлган икки ёки ундан ортиқ деталларнинг ажратгичли ёки ажратгичсиз бирикмалари қисмлар деб аталади. Йирик қисмларни монтаж қилиш техникасида блоклар деб аташ қабул қилинган.

Ускуналарни қисмларга ажратиш ва йиғиши технологиясини ишлаб чиқиши учун шартли равища уларни гуруҳларга ва гуруҳчаларга бўлинади. Бевосита ускуна таркибига киравчи ҳар бир гуруҳ, икки ва ундан ортиқ гуруҳчаларга бўлинади. Гуруҳчалар юқори ва қуий тартибли (иккинчи, учинчи ва х.) гуруҳчаларга бўлинади. Юқори тартибли гуруҳчалар – қуий тартибли гуруҳчалардан иборат бўлади, қуий тартиблilари эса, ўз навбатида қисмлардан тузилган бўлади. Ускуналарни шартли равища блоклар, гуруҳлар, гуруҳчалар ва қисмларга бўлиниши, яъни уларни дифференциацияси, таъмирлаш ишларининг ҳажми ва конструкциясининг мураккаблигига боғлиқ.

Ускуналарни қисмларга ажратиш ва йиғиши вақтида йирик ҳадларга ажратиш принципини қўллаш, иш фронтини сезиларли даражада кенгайтириш, уларнинг меҳнат ҳажмини камайтириш, таъмирлаш ишларига кетадиган вақтни қисқартириш, шунингдек, умумий меҳнат сарфини камайтириш имконини беради.

Кўпгина ҳолатларда қисмларга ажратиш ва йиғиши тескари қетма-кетликда амалга оширилади. Агар қисмларга ажратиш пайтида ускуналар аввал гуруҳларга бўлинниб, кейин юқори ва қуий тартибли гуруҳчаларга, қисмларга ва охири деталларга бўлинса, йиғиши қисм деталларини компановка қилишдан бошланиб, тайёр гуруҳни ускунага (база элементига) ўрнатиш билан тугайди.

Таъмирлашнинг саноат усуллари, қисмларга ажратиш ва йиғишининг тўлиқ технологик схемаларини ишлаб чиқиши, йиғиш – қисмларга бўлиш стендларини барпо этиш, маҳсус мосламаларни ва ўлчов-назорат асбобларини ишлаб чиқиши талаб қиласди. Қисмларга бўлиш ва йиғишининг технологик схемалари алоҳида қисмларни ва бутун ускунани бўлиниш ёки жамланиш тартибини кўрсатади, шунингдек, бутун операциянинг кетма-кетлигини ҳам кўрсатади. Улар операцияларнинг таркибини баён этувчи ёзувлар билан таъминланади.

Йиғиш технологиясини ишлаб чиқишида аввало, ушбу ускунани таъмирлаш учун қандай йиғиш усули ишлатилаётганлигини ҳисобга олиш керак: бутунлай ўзаро алмашиниш усули, бутунлай бўлмаган ўзаро алмашиниш ёки индивидуал мослаш. Биринчи усул мукаммалроқ усулдир, лекин, юқори даражада аниқликни ва заҳира қисмларини катта паркини талаб қиласди. Иккинчи усул, қўл остидаги заҳира қисмлари паркидан деталларни танлаб олишни кўзда тутади. Индивидуал пригонка усули ўз ичига зарур бўлган ўлчамдаги деталларни олиш учун меъёрига етказилган слесарлик ва ҳаттоқи, дастгоҳли ишларни ҳам олади. Йирик ускуналар бўлган ҳолатда турли қисмларни йиғиш юқоридаги учала усуллар билан амалга оширилади.

Ускуналарни қисмларга ажратиш ва йиғиш слесарлар бригадаси томонидан ёки бир вақтнинг ўзида бир неча бригадалар томонидан таъмирлаш базалари устахоналарида ёки бевосита технологик қурилмаларда ўтказилади (таъмирланаётган ускуна ўрнатилган жойларда). Таъмирлаш бригадаларида ишчилар сони шу шарт билан танланадики, улар иш жойларida турганларида бир-бирларига ҳалакит бермасинлар. Иш ҳажми таъмирлаш турига боғлиқ. Капитал таъмирлашда ускуналар база элементига қадар қисмларга ажратилади, ва деталларни қайта тикланиб, кейин ва алмаштирилгандан кейин йиғиш ишлари шу базадан бошлаб бажарилади.

Агар қисмлар икки ёки ундан ортиқ бир хилдаги деталлардан тузилган бўлса, йиғиш вақтида уларни алмаштириб юбормаслик учун ва бу билан туташмалар сифатини пасайтирмаслик учун, деталларнинг устки томонига белгилар қўйиб қўйилади. Белгиларни яна бир детални иккинчисига нисбатан аниқ мўлжаллаб олиш учун ҳам қўйилади; олиб қўйилаётган деталларни юқори, паст, ўнг ва чап томонларини кўрсатиб қўйилади.

Қисмларга ажратиш ва йиғиш технологияси ускуналарни таъмирлашнинг умумий технологияси таркибига киради, бу технология ушбу ускуна конструкциясига боғлиқ равишда ишлаб чиқилади. Булардан келиб чиқиб, барча турдаги ускуналар учун операцияларнинг аниқ бир кетма-кетлигини санаб ўтиш мантиққа тўғри келмайди. Қуйида кўп учрайдиган ажратгич бирикмаларни қисмларга ажратиш ва йиғишининг технологик хусусиятлари келтирилган.

**Резьбали бирикмалар.** Резьбали бирикмалар машина ва қурилмалар конструкцияларида ажратгич бирикмаларнинг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Шунинг учун улар зиммасига йиғиш ва қисмларга ажратишнинг асосий бўлимлари юкланади.

Кимё ва нефтни қайта ишлаш заводларининг ускуналарида асосан цилиндрик резьбали бирикмалар қўлланилади, улар маҳкамлаш резьбали ва маҳсус резьбали бирикмаларга бўлинади. Маҳкамлаш резьбаларига – асосий ва

майда резьбалар киради, махсус резьбаларга – трубали, трапецияли, түгрибүрчакли, таянчли, думалоқ ва ҳ. киради.

Резьбали бирикмалар ташки, ички ва ўрта резьба диаметрлари, резьба қадами, резба профили ва уни ҳосил қилювчи бурчаклари, профилининг ишчи баландлиги (жуфт профиллар бир-бирига тегиб турган томонларининг радиал ўлчанган энг катта баландлиги), винт чизигининг кўтарилиш бурчаги, бураб ажратиш узунлиги (яъни, бўйлама ўқли ўлчанган туташувчи деталларининг бир-бирига тегиб турган юзаси узунлиги) ва бошқа ўлчамлар билан характерланади.

Резьбали бирикмалар барча ўлчамларга белгилаб қўйилган жоизликка қаттий риоя қилинган ҳолда тайёрланиши керак. Масъулиятли машина ва қурилмалар паспортларида ёки йўриқномаларида монтаж ва демонтажнинг хусусиятлари кўрсатилиши шарт. Шунингдек, резьбали бирикмаларни тортиб боғлаш кучланиши ҳақида маълумотлар ҳам кўрсатилиши шарт.

**Тортиб боғлаш кучланиши.** Бириктирилаётган деталларининг туташувчи юзаларидаги резьбали бирикмаларни тортиб боғлашда, бирикмаларнинг герметиклигини ва зичлигини таъминловчи, минимал босим юзага келтирилиши керак. Нормал тортиб боғлаш резьбали бирикманинг кучланишига таъсир этаётган асосий ўзгарувчан кучланиш таъсирини камайтиришни таъминлаб бериши керак.

Катталиги бўйича ўзгарувчан кучлар билан юклangan резьбали бирикмаларни, ташки юкламадан бирмунча юқорироқ бўлган катталиkkacha тортиб боғлаш керак. Тортиб боғлаш кучланишини қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\sigma_3 = K \cdot \sigma_o \quad (1.1)$$

бу ерда  $\sigma_3$  – тортиб боғлаш кучланиши, МПа;  $\sigma_o = P/F$  – ташки юклама таъсирида ҳосил бўлган резьбадаги номинал кучланиш, МПа;  $P$  – болтни чўзувчи ички куч, МН;  $F = \pi d_1^2 / 4$  – резьба бўйлаб кўндаланг кесим майдони,  $m^2$ ;  $K$  – бирикма концентрациясига боғлиқ бўлган (юмшоқ қистирмали фланецли бирикмалар учун  $K=1,3-2,5$ ; пўлат, шаклдор қистирма учун  $K=2-3,5$ ; пўлат яssi қистирма учун  $K=3-5$ ) тортиб боғлаш коэффициенти.

Тортиб боғлаш кучланиши баъзи чегаралардан ортмаслиги керак, бу чегаралар қуйидаги нисбатдан аниқланади

$$\sigma_3 = \frac{4kP}{\pi d_1^2} \leq 0,8\sigma_m \quad (1.2.)$$

бу ерда  $\sigma_m$  – материал оқувчанлик чегараси, МПа.

Йиғиш вақтида тортиб боғлаш кучланиши тортиб боғлаш моменти орқали юзага келтирилади, у гайкали калит сопининг узунлиги бўйича ва унга берилаётган куч бўйича аниқланади. Асосий метрли резьбали болт ва шпилькалар учун жоиз бўлган тортиб боғлаш моментининг  $\sigma_3 = 0,4\sigma_T$  шартидан топилган тахминий қийматлари 1-1-жадвалда келтирилган.

1-1 жадвал


### Болт ва шпилькалар учун рухсат этилган тортиб боғлаш моментларининг тахминий қийматлари

Резьба диаметри,	Пўлат маркаларидан болт шпилькалари учун
------------------	--

ММ	тортиб боғлаш моменти		
	Ст. 3	Ст. 45	40Х
6	0,022	0,035	0,070
8	0,054	0,086	0,172
10	0,110	0,170	0,340
12	0,190	0,300	0,600
14	0,300	0,480	0,960
16	0,480	0,770	1,500
18	0,660	1,000	2,000
20	0,950	1,500	3,000
22	1,300	2,100	4,200
24	1,600	2,600	5,200
27	2,400	3,800	7,600
30	3,200	5,200	10,400
36	5,800	9,200	18,400

Масъулиятли резьбали бирикмалар учун тортиб боғлаш кучланишини болт узайтирилишини ўлчаш, қотирилган болтга нисбатан гайка айланиш бурчагини ўлчаш, бураш охирида ўсадиган айланиш моментини ўлчаш орқали назорат қилиш мумкин. Бошида санаб ўтилган икки ҳолат учун маҳсус асбоблардан фойдаланилади – булар – узунлик ва бурчак ўлчагичлардир. Уларнинг кўрсаткичлари формуласалар орқали буровчи момент ёки тортиб боғлаш кучлари (куchlаниши)ни ҳисоблаш имконини беради. Охирги ҳолатда эса, бевосита буровчи моментни кўрсатувчи тарировка калитлар ишлатилади.

**Болтлар ва шпилькалар.** Деталларни туташтириш кўп ҳолларда болтлар ва шпилькалар билан амалга оширилади. Болтлар оддий ва масъулиятли болт ва шпилькаларга бўлинади. Оддий болтлар кўндаланг кучлар таъсирига дуч келмаслиги керак. Шунинг учун йиғиш вақтида болтларни кесадиган юкламалардан бўшатишида мўлжалланган деталларни ўрнатиш зарур (1.1a-расм). Масъулиятли резьбали бирикмаларнинг шакллари ва ўлчамлари (1.1б-расм) ҳар хил бўлиши мумкин, шунинг учун йиғиш вақтида чизмада кўрсатилган барча ўлчамларнинг мос келиши ва талаб этилаётган кийғизишга амал қилишга эътибор бериш зарур.




### 1.1- расм. Болтлар.

а – оддий; б – масъулиятли конструкциялар учун;  
 1 – мустаҳкамловчи втулка; 2,3 – бўшатувчи элементлар;  
 4 – чеклагичли қаллак; 5 – тоҳсимон гайка; 6 – бурт.

1.2-расмда оддий ва бир неча маҳсус шпилькаларнинг конструкциялари келтирилган. Йиғиш вақтида ўз-ўзидан бураб чиқишига йўл қўймаслик учун, шпилькани тешикгача киришига алоҳида эътибор бериш зарур. Шпилькани тешикгача кийдиришнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: 1 – резьбанинг

қочиши бўйича (шпилька, ундаги бор резьбанинг охиригача буралади); 2 – ўрта диаметр бўйлаб таранглаш ёрдамида (таранглаш қиймати 0,01-0,06 мм чегараларида); 3 – бурт ёрдамида (шпилька қандайдир куч билан буртга чеклагичигача буралади); 4 – тешик остида чеклагич билан (шпилька тешик остига чеклагичгача буралади).



### 1.2- расм. Шпилькалар.


- а – оддий, резьбанинг охиригача айлантириладиган;
- б – ўрта қисмида йўнилган чуқурчали;
- в, г – маҳсус; д – буртли.

Ўз-ўзидан буралиб чиқиш ва унинг олдини олиш воситалари: резьбали бирикмалар ўзгарувчан ва динамик юкламалар таъсиридан ўз-ўзидан буралиб чиқиб қолиши мумкин. Ўз-ўзидан буралиб чиқиш олдини олиш учун маҳсус воситалар қўлланилади. Ушбу воситаларни йиғиш вактида қатъий назорат қилиш лозим. Кўпинча, контрграйкалар, тожсимон гайкалар, пружинали ва тўхтатгич шайбалар ишлатилади (1.3- расм).

**Контрграйка** – резьбада қўшимча ишқаланиш кучини юзага келтиради, бу эса ўз-ўзидан бураб чиқарилишни олдини олиш имконини беради. Контрграйка кичик куч билан тортилади.

**Тожсимон гайка** – 6-10 та қирқимли бўлиб, уларга ажралувчи шплинт киради ва шплинт болт ёки шпилька тешигига кийгизилади. Гоҳида оддий шаклдаги гайка қирқимли қилиб ясалади (бундай ҳолатда у катта баландликка эга бўлади).

**Шплинт** – ярим айлана симдан ясалган, эгилган стержен бўлиб, резьбада тожсимон гайканинг айланшигига ҳалақит беради. Уни тешикларга болға билан чеклагичлар енгилгина уриш билан ўрнатилади. Шундан кейин шплинтнинг чиқиб қолган учларини томонларга ажратилиб гайканинг чекка юзаларига зичлаб қисиб қўйилади. Ихтиёрий ўлчамдаги шплинтларни қўллаб бўлмайди: уларнинг узунлиги ва диаметри ўша тешикларга мос келиши керак.



**1.3- расм. Ўз-ўзидан буралиб чиқарилишни олдини олувчи воситалар.**

а – ташқи тумшуқли тўхтагич шайба; б – ички ва ташқи тумшуқли тўхтагичли шайба; в – шплинтли тожсимон гайка; г – пружинали шайба; д – тумшуқли шайба; е – созловчи шайба; ж – контргайка.


**Пружинали шайбалар:** квадрат кўндаланг кесимли пўлат симлардан тайёрланади. Ўз-ўзидан бураб чиқарилишга шайбанинг мустаҳкамлиги боис йўл қўйилмайди, бунинг натижасида бирикма ҳар доим кучланиш остида бўлади.

**Тўхтагичли шайба** ички ва ташқи тумшуқли бўлади. Тумшуқ деталдаги тешикка тиқилади, шайба четини эса, гайканинг қайсиdir четига бураб қўйилади. Шайбаларнинг яна ҳар турли конструкциялари ҳам учрайди.

Шуни эсда тутиш керакки, 250°C дан ортиқ температурада ишлайдиган фланецли бирикмалар учун бутун узунлиги бўйлаб яssi кертилган шпилькаларгина қўлланилади. Бу ҳолатда болтларни ишлатиш мумкин эмас, чунки уларда температуралар деформациясидан кучланиш, худди шу ўлчамдаги шпилькаларга қараганда 1,4 марта ортиқ. Агар яssi кертилишни қўллаб бўлмаса, у ҳолда шпильканинг ишчи участкасида эмас (одатда ўртасидан) кертилиш чуқурлигига йўнилади (1.2б- расм).

Болтларни, гайка ва шпилькаларни қайтариб бураш ва бураш - кўп вақт талаб этадиган, меҳнати оғир операциядир. Бу мақсадда фойдаланиладиган асосий асбоблар – бу гайкали калитлардир (1.4-расм), улар конструктив шакли ва ишлатилиши соҳаларига қараб фарқланади.

Оддий гайкали калитлар – битта (бир жағли) ёки икки (икки жағли) гайка ёки болт каллаги ўлчамида ҳисобланади. Керакли ўлчамдаги калитлар мажмуаси бўлмаган тақдирда универсал калитлардан фойдаланилади, уларни керакли ўлчамга келтирилади. Қулай бўлмаган жойларда ишлаш учун торецили калитлар ишлатилади. Чегарали ва тарировкали калитлар болт ёки шпильканинг рухсат этилган чегаралардан ортиқ тортиб боғланишини ёки чўзишлишини олдини олади. Улар пружина билан маҳсус қурилма орқали таъминланган бўлиб, улар, талаб этилаётган чўзишлиш кучи ортганда дастанинг силжишини таъминлайди.



#### 1.4- расм. Гайкали калитлар.


а – оддий, б – универсал, в- торецли, г – тарировкали, д – чегарали.

Таъмирлаш техникасида, қўпинча гайкабурагичлар қўлланилиб, улар асбоб-ускуналарни йиғиш ва қисмларга ажратиш жараёнини бирмунча тезлаштиради ва енгиллаштиради. Юритмаларга қараб, гайкабурагичлар электрик ва пневматик гайкабурагичларга бўлинади. Пневматик гайка бурагичларни қўлланилиши таъмирлаш участкасида ёнгин ва портлаш хавфлилиги шароитларида ўзини оқлаган. Саноатда ишлаб чиқарилаётган электрик ёки пневматик гайка бурагичнинг ҳар бир маркаси, аниқ диаметр диапазонида ва валдаги аниқ максимал қувватнинг ўсишига ҳисобланган. Гайка бурагичлар торецли калитлар мажмуаси билан таъминланган.

Агар эксплуатация вақтида туташувчи деталлар юқори температурада, агрессив муҳитда ва ифлосликлар, тузлар ва детал юзасидаги қурум босиши шароитларида ишласа, ажратгичли бирикмаларни қисмларга бўлиш қийинчилик туғдиради. Бундай бирикмаларни қисмларга ажратиш аниқ шароитларга боғлик.

Қисмларга ажратилаётган бирикмаларнинг ушланадиган юзалари ифлосликлардан керосин ёки иссиқ сув билан тозаланиши керак. Баъзи холларда қисмларни бир қанча муддатга керосинли ваннага тушириб қўйилади.

Деталларни умумлаштириш, енгил ва тез-тез болғача билан уриш билан бир вақтнинг ўзида болтни бураб ҳаракатлантириш орқали енгиллаштирилади. Агар чўғланиб кетиш хавфи бўлмаса, деталларни кавшар лампасининг ёки кислородли газ горелкасининг алангасида қиздириш мумкин.



#### 1.5- расм. Синган шпилькаларни чиқариб олиш усуllibari.

а – бураб чиқариш билан, б – экстрактор ёрдамида:

1 – синган шпилька, 2 – гайка, 3 – экстрактор.

Синиб қолган шпилькаларни деталдан қуийдаги усулларда бураб олинади:

- агар шпилька детал юзасидан чиқиб турган бўлса, чиқиб турган учидан ўқ бўйлаб винт бурагич – отвёрткага мос қилиб қирқилади ёки синиб қолган гайка ён юзасига ички диаметри бўйлаб эритилади, бунда аввалдан уни деталдан изоляция қилинади (1.5а-расм);


- шпилькада тешик пармаланади, чап резьбани кертилади (очилади), кейин конус бўлиб тугайдиган экстрактор бураб киргизилади; бураш вақтида экстрактор ўзи билан бирга шпилькани олиб чиқади (1.5б-расм). Шпилькани пармалагич билан аввал кичик, кейин секин-аста катталашган диаметрларни, то у қириндига айланниб қолгунга қадар пармаланади; детал тешигига янги резьба очилади, лекин буниси нисбатан анча катта диаметрли бўлади.

Гурӯхлашган резьбали бирикмаларни йигиш жараёнида кетма-кет тортиб боғлаш қоидасига риоя қилинади: аввал тўғри марказлашиши учун барча резьбали деталларни йиғилади, кейин уларни босқичма-босқич х схемаси бўйича тортиб боғланади. Бундай тортиб боғлаш туташмаларнинг қийшайиб қолишини ва бир хил деталларнинг юкланиши камлиги ҳисобига бошқа деталларни ўта юкланиб кетишини олдини олади.

Резьбали бирикмалар зич бўлиши керак бўлган ҳолларда (қурилмалар ва камералар қопқоқлари, труба қувурлар бирлашиши), резьбали юзалар йиғилиши олдидан қуруқ ёки алиф билан шимдирилган зигир толали ип билан ўралади. Кесилган юза ҳам қўроғшинли сурик билан, белила ва турли ушбу муҳитга турғун бўлган лаклар билан мойланади.

**Шпонкали ва шлицили бирикмалар.** Бирикиш характерига кўра шпонкалар клинли ва призматикаларга бўлинади.

**Клинли** (чўзувчи) шпонкалар ишчи қирраси узунлиги бўйлаб катта бўлмаган энгашишга эга (1:100). Уларни бирикаётган деталлар орасига қоқиб киргизилади ва шу йўл билан кучлантирилган бирикма олинади, бу бирикма буровчи моментни узатиб бергани каби, ўқли йўналишили юкламани ҳам узатиб бериш қобилиятига эга.



**1.6- расм. Клинли шпонкалар.**

а – каллакли, б – каллаксиз, в – шпонка каллагини ёпиш учун қалпоқча: 1 – қалпоқча, 2- винт, 3 – шпонка.

Клинли шпонкаларни нисбатан камроқ аниқлиқда характерланувчи машиналарда қўлланилади. Бунга сабаб, кийгизиш тирқишини тўлдириш билан бирга, детал ўқини вал ўқига нисбатан силжитади, яъни бирикаётган деталнинг қийшайиши юзага келади.

Клинли шпонкалар каллакли ва каллаксиз тайёрланади (1.6а,б-расм). Шпонкага каллакни, бўлакларга ажратиш вақтида уни қарама-қарши томонидан уриб чиқариб бўлмайдиган бўлганда ўрнатилади. Каллакли шпонкани клин

(зубило) ёрдамида чиқариб олинади. Бу клин детал ва каллак оралиғига қоқиб киргизилади. Шунинг учун шпонка каллаги йиғилган күринишида деталь ён юзасига ҳеч бўлмаганда шпонканинг ярим баландлиги миқдорида етмаслиги керак. Каллакли шпонка ўрнатилган очиқ қолган айланадиган қисмлар ҳавфлидир: улар хизмат қўрсатаётган ходимларнинг кийимларини ўраб кетиши ва жароҳатга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда шпонкани қалпоқча билан ёпиш керак (1.6в-расм). Қалпоқча детал ён юзасига ёки валга маҳкамланланган бўлади. Каллаксиз шпонкалар айлана ён юзасига (тўлғазма шпонка) ва яssi ён юзага (қоқиб киргизилган шпонка) эга бўлиши мумкин.

Призматик шпонкалар қотирилган бирикмаларда бўлгани каби сирпанувчи бирикмаларда ҳам туташтирилувчи деталларнинг муқаррар турғун ва яхши марказлашишни тъминлайди. Сирпанувчан бирикмаларда призматик шпонка валга ўрнатилган детал гупчагига ёки валга винтлар билан маҳкамланган бўлиши керак. Призматик шпонкаларда пачоқлаш деформацияси ўтказиладиган тор қирралар – ишчи бўлиб ҳисобланади.

**Шлицли бирикмалар** - призматик шпонкаларнинг бир тури ҳисобланади. Шлицли бирикмаларни йиғишида валга нисбатан гупчакнинг марказлашиш системасини сақлаш жуда муҳимдир. Втулка қисмларга қўйилаётган талабларга боғлиқ ҳолда ва шлицли деталларни тайёрлаш технологик хусусиятларига кўра ўрнатилади.

Йиғилган шлицли бирикмаларни қўл билан ушлаб кўриб текширилади – вал ва деталь орасида люфт борлиги сезилмаслиги керак; харакатланувчи бирикмалар бўлганда валнинг бутун узунлиги бўйлаб силжийдиган деталларга бир хил куч берилиши керак.

## **Коррозион механик ейилиш оксидланиш натижасида дейилиш. Фретинг коррозия. Ейилишга таъсир ўилувчи омиллар. Ускуналарнинг едирилиши**

## **УСКУНАЛАРНИНГ ЕДИРИЛИШИ**

Кимё ва нефти қайта ишлаш саноатида амалга ошириладиган технологик жараёнлар параметрларнинг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Ускуналарнинг эксплуатация қилиш шароитлари асосан температура, босим ва мухитнинг физик-кимёвий хоссалари орқали белгиланади. Ишчи параметрларининг кенг оралиғи күпинча ускуналарнинг ишчи ҳажмини тўлдириб турган мухитнинг кучли агрессив таъсирида кузатиласди.

Ускуналарнинг катта унумдорлиги, юқори даражадаги портлашга ва ёнишга хавфлилиги, тўхтовсиз ишлашининг давомийлиги каби шароитларнинг бажарилиши, ускуналар конструкцияларига ва эксплуатация шароитида унинг ҳолатини ўзгармаслигига қўйиладиган қўшимча талаблар келиб чиқади.

**Пухталик.** Ускуналарнинг пухталиги деганда, уларнинг детал ва қисмларининг барча конструкцияларининг ишга яроқлилиги, бузулиши ва

муддатидан аввал яхлитлигини йўқотиш эҳтимолларини ҳисобга олмаганда, қабул қилинган параметрлар чегараларида технологик йўналишларига тўлиқ мос келиши тушунилади.

Аввало ускуналар пухталиги, ускуна конструкцияси ва эксплуатация жараёнида унинг қарови орқали аниқланади. Пухталикни абадий бўлади деб айтиб бўлмайди, чунки вақт ўтиши билан у аста-секин камайиб боради. Пухталикни дастлабки ҳолатига қайта тиклаш таъмирлаш йўли орқали эришилади. Навбатдаги таъмирлаш орқали ускуналарнинг етарли даражада пухталигини қафолатланмаган ҳолатларда уларни ҳисобдан чиқарилади.

**Узоқ муддатга чидамлилиқ.** Ускуна (қисм, детал) ларни эксплуатация қилиш жараёнида мумкин бўлган пухталикни минимал сақлаб қолиш давомийлиги ва қабул қилинган хизмат қўрсатиш системасини (таъмирлаш ва қаров) ускуналарнинг (қисм ва деталларнинг) узоқ муддатга чидамлилиги дейилади.

Ускуналарнинг (қисм ва деталларнинг) узоқ муддатга чидамлилигини оширишга, уларни эксплуатация шароитларини яхшилаш (муҳитни нейтраллаш, температура режимларини юмшатиш ва х.) орқали амалга оширилади ва асосан ускунанинг конструктив ечимларини топишда бўлгани каби унинг таркибий элементларини ҳам конструктив ечимларини ечиш, яъни ўлчамларини катталаштириш (ускуна деворлари қалинлиги, вал диаметри ва х.) ва юқори сифатли конструктив материалларни қўллаш орқали эришилади.

«Узоқ муддатга чидамлилиқ» ва «амортизация муддати» тушунчаларини бир-биридан фарқлай билиш керак. Амортизация муддати деганда, ускуналарни тўхтовсиз эксплуатация қилиш даврида унинг бошланғич нархини қоплаш вақти тушунилади (таъмирлаш сабабли қисқа вақт ҳаракатсиз туриб қолиш ёки ишлаб чиқариш сабабларига кўра туриб қолишлар ҳисобга олинмайди).

### 3.1. Едирилишнинг асосий турлари.

Ускуналарнинг пухталигининг пасайиши ва узоқ муддатга чидамлилигининг қамайиши физик ва маънавий едирилиш натижасида уларнинг ҳолатларини ёмонлашиши билан боғлиқ.

Физик едирилиш деганда детал ва қисмлар шакли ва ўлчамлари яхлитлигининг ўзгариши тушунилади. Буни кўз билан чамалаб ёки ўлчаб кўриш ва таҳлил қилиш билан аниқланади.

Физик едирилишнинг қўйидаги турлари мавжуд: механик, коррозион ва иссиқлик турлари. Баъзи бир ҳолларда улар алоҳида-алоҳида содир бўлади, лекин кимё ва нефтни қайта ишлаш саноатларида кўпинча уларнинг биргаликдаги юзага келиш ҳолатларига дуч келинади. Турли едирилишнинг механизмлари, улардан келиб чиқадиган асоратлар, уларни аниқлаш, огоҳлантириш ва олдини олиш турличадир. Шунинг учун ҳар бир физик едирилишини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.


Ускуналарнинг йиллар ўтиб эскириши, маънавий эскириши уларнинг техник ва конструктив кўрсаткичларининг орқада қолиш даражасига қараб аниқланади. Маънавий едирилиш белгилари бўлиб, масалан, паст унумдорлик, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, фойдали иш коэффициенти, қуий пухталик ва ҳоказолар ҳисобланади.

**Механик едирилиш.** Механик едирилиш – синиш, юзаларнинг эскириши ва кўрилаётган деталнинг механик хусусиятлари қўринишида ифодаланади.

**Синиш.** Деталнинг бутқул синиши ёки унда дарзлар пайдо бўлиши – рухсат этилган юкламаларнинг ортиб кетиши натижасида (одатда концентрация кучланишлари жойларида ёки эскиришнинг бошқа турларидан кучизланиб қолган кесимларда) содир бўлиши мумкин. Баъзида синишга ускуналарни тайёрлаш технологияларига риоя қилмаслик ҳам сабаб бўлади (сифатсиз қўймалар, поковкалар, пайвандлар ва х.).

Синишга олиб келадиган сабабларни, юкламаларни чегаралаш ва мўътадиллаш йўли билан олдини олиш мумкин. Бундан ташқари, режавий кузатишлар ва назорат ўтказилади, бунинг натижасида, ёрмалар ва дарзлар бошланғич босқичдаёқ аниқланади.

Юзаларнинг едирилиши эксплуатациянинг исталган шароитларида ва қаров вақтларида бошқа детал ёки муҳитга тегиб турган деталларда юзалар едирилиши пайдо бўлиши мумкин. Едирилишнинг характеристири ва ўлчами турли омилларга боғлиқдир. Булардан асосийси – ишқаланаётган детал ёки муҳит физик-механик хусусиятлари, деталларнинг ўзаро таъсири вақтида кузатиладиган солиштирма кучланишлар ва ҳаракатнинг нисбий тезлиги.



**3.1-расм. Ишқаланаётган юзаларнинг туташиш турлари:**  
а-ҳаракат бошлангунгача, б-эгриларнинг эгилувчан ва пластик деформациялари, в-деформация вақтидаги заррачаларнинг ажралиши.

Юзаларнинг едирилиши – бу кинематик жуфтликларда ишқаланишлар натижасидир, шунингдек, технологик оқим таркибидаги қаттиқ чиқиндиларнинг детал юзасини абразив йўниш натижасидир.

Ишқаланиш кучи таъсиридаги едирилиш: ишқаланаётган жисмлар юзаларидан заррачалар ажралиши билан борадиган материал юзасининг мунтазам емирилиши, бир жисм заррачаларининг туташаётган жисм юзасига ўтиши ва материал юза қатламларининг ўзгариши қўринишида бўлади.

Ишқаланиш натижасида едирилишни ишқаланувчи деталлар материалларининг ўзаро механик, иссиқлик, кимёвий ва электр таъсири, шунингдек, ишқаланувчи юзага четдан кириб қолган қаттиқ заррачалар таъсирида юзага келади деб қабул қилишга одатланилган. Бу таъсирлар натижасида қуийдаги жараёнлар вужудга келади.

Ейилиш бир-бирига жипслашган деталларнинг нисбий ҳаракати уларнинг ейилиши билан бориши мумкин. Ейилиш механизми ишқаланаётган

жисмларнинг кимёвий, физик-механик хусусиятларидан аниқланадиган аниқ шартларга, шунингдек ишқаланиш режимига (контакт юзадаги солиштирма босим, харакатнинг нисбий тезлиги ва x.) боғлиқ.

Ишқаланувчи юзалар уларнинг қайта ишланишининг исталган сифатларида ғадир-будурликларга эгадир, яъни қайсиdir ўрта юзага нисбатан дўнглик ва чуқурлик (3.16a-расм). Бу юзаларнинг дўнгликлари уларнинг ўзаро ҳаракати натижасида силлиқланади, бунда жараён тезлиги ишқаланаётган жисм материали хусусиятига ва солиштирма босимга боғлиқ. Силлиқланиш дўнгликларнинг эгилувчанлик ва пластик деформациялари ҳисобига бўлиши мумкин; деформацияланаётганда дўнгликлар ўша юзага ёнма-ён жойлашган чуқурликларни тўлдириши ёки юзадан ажралиб чиқиб кетиши мумкин (3.16b-расм).

Едирилишга олиб келувчи бошқа сабаблардан мустасно қилганда (амалда бу мумкин эмас), ишқаланаётган юзаларнинг мунтазам ишлаши натижасида ишқаланиш иши камаяди ва едирилиш жараёни тўхтайди. Худди шунинг учун ҳам янги ускуналарни чиниқтиришнинг ўрнатилган режимига амал қилиш керак, қайсики, ишқаланаётган деталларга берилаётган юкламани бир текис ва секин-аста оширишни назарда тутадиган режим.

Ейилишнинг яна бир сабаби тахмин қилинишича, пайвандланиб бириктириладиган алоҳида участкаларидаги юзаларнинг молекуляр яқинлашуви ҳисобланади. Юзаларнинг нисбий ҳаракати вақтида пайвандланган жойлар бузилади ва кўпгина заррачалар ишқаланиши юзасидан узилиб қолади.

Ишқаланиш вақтида ишқаланаётган юзалар қизиб кетади. Бунинг натижасида ишлатилган юзаларнинг аморф қатламлари маълум шароитларда юмшайди, ишқаланаётган юзалар орқали маълум бир масофага кўчади ва ботиқликларга тушиб қотиб қолади.

**Тирналиш.** Агар ейилиш туташаётган жисмлардан бирининг юзасидан маълум микдорда металлнинг буғланиши билан борса ёки бир металл юзасида бошқа металлнинг пайдо бўлиши билан борса, тирналиш деб аталадиган жараён пайдо бўлади. Бунинг натижасида юзаларда чуқур ариқчалар пайдо бўлади, бу эса кейинги интенсив тирналиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Тирналишнинг сабабини ишқаланаётган юзаларнинг жойидаги мустаҳкам илашишидан ёки ишқаланаётган юзага йирик абразив заррачалар тушиб қолишидан қидириш керак. Кўп ҳолларда ишқаланаётган жуфтлик тирналиши бир хил металлдан тайёрланган деталларда кузатилади. Тирналиш натижасида едирилиш ишқаланаётган юзаларнинг тез ишдан чиқишига олиб келади.

**Аброзив едирилиш.** Ейилиш вақтида ишқаланаётган юзаларга қаттиқ заррачалардан ташқари кўпгина майда заррачалар ҳам чанг, қум, қурум, куйинди кўринишида тушиб қолади. Улар атроф муҳитдан мойловчилар билан бирга кириб қолади ёки маълум эксплуатация шароитларида ҳосил бўлади. Бу заррачалар таъсири сезиларли эмас, агар уларнинг ўлчамлари мойловчи қатлам қалинлигидан кам бўлса. Акс ҳолда, ишқаланаётган жуфтликнинг ейилиши содир бўлади.

**Эрозион едирилиш.** Ускуналарнинг деталлари тегиб турган кўпгина муҳитлар, қаттиқ заррачалардан ташкил топган (масалан, нефть ва нефть маҳсулотлари оқимларидаги тузлар, қум, кокс ва x.). Баъзи ҳолларда муҳит


буткул шундай заррачалардан ёки күпроқ ва камроқ йирик бўлаклардан таркиб топган бўлади (масалан, катализатор, турли адсорбентлар, чанг кўринишидаги ёки гранула кўринишидаги тайёр маҳсулот ва х.). Қаттиқ жисмларнинг деталга нисбатан ҳаракатга келганда юзага тегиб турган жойларида, унинг абразив ейилиши ёки йўнилиши кузатилади. Худди шундай едирилиш, таркибида абразив улашлар бўлмаган суюқ ва буғли оқимлар юзаларига кучли урилишлар вақтида ҳам кузатилади. Ишчи муҳит томонидан ишқаланиш ва урилиш таъсирида содир бўладиган детал юзасининг бузилиши эрозион едирилиш дейилади.

Эрозион едирилиш катталиги детал ва муҳит юзаларининг физик-механик хусусиятларига, контакт юзасидаги солиштирма босим ёки нисбий тезликнинг урилиш кучига муҳитнинг ўзаро ҳаракати характеристига ва детал юзасига, шунингдек, қаттиқ жисм ўлчамларига боғлиқ.

**Толиқишдан едирилиш** - узоқ муддат давомида ўзгарувчан юкламалар бериладиган детал ёки бир неча деталларнинг детал материали мустаҳкамлиги чегараларидан бирмунча кичик кучланишлар вақтида синиш ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолларда ўзгарувчан кучланишлар деганда, ўлчамлари ёки йўналиши бўйича такрор-такрор ўзгариб турадиган кучлар таъсирида юзага келадиган юкламалар тушунилади. Ўлчамлари мустаҳкамлик чегараларидан кичик бўлган деталларнинг кучланиши остида қисман ёки буткул бузилиши толиқишдан едирилиш дейилади.

**Коррозион едирилиш** – кимё ва нефтни қайта ишлаш заводлари ускуна едирилишининг кўп тарқалган кўринишидир. Унинг олдини олиш ёки камайтириш эксплуатация шароитида ускуналар ҳолатини ўзгартирмасдан ушлаб туришга имкон беради.

Коррозия деганда – кимёвий ва электрокимёвий жараёнлар бўлиб ўтгандан кейин металл юзасида пайдо бўладиган бузилишлар тушунилади. Бу жараёнларнинг моҳияти ва улардан кейинги натижалар металлнинг муҳит билан ўзаро таъсиридан аниқланади. Коррозияни металларни турли кислоталарда маҳсус эритишдан фарқлай билиш керак (технологик жараённинг бир қисми).



**3.2-расм. Коррозион едирилишнинг шакллари ва характеристи.**

а-бир текис сидирға, б-нотекис сидирға, в-жойдаги, г-ярали, д-нуқтали,  
е-кристаллараро, ж-транскристалликтик, з-таркибий  
танланган.

Коррозия сидирға, жойдаги, кристаллараро ва селектив турларда бўлади (3.2-расм).

Сидирға коррозияда детал юзаси (қисм, курилмалар) нисбатан бир текис едирилади. Бир текислилик даражасига кўра бир текис сидирға (3.2а-расм) ва нотекис сидирға (3.2б-расм) коррозияларга бўлинади. Бир текис коррозия туз ва

кислоталарнинг кучсиз кислотали эритмаларидан содир бўлади, шунингдек, муҳитнинг детал юзаси билан контакти уюрмасиз бўлган ҳолларда содир бўлади.

Жойдаги коррозияда муҳит билан юза контактида бузилиш бутун юза бўйлаб эмас, балки алоҳида юзаларинигина қамраб олади ва уларда маҳаллийлашади. Бунда кратерлар ва чуқурликлар ҳосил бўлади, Уларнинг ўсиши очиқ тешиклар пайдо бўлишига олиб келади. Жойдаги коррозиянинг турлари алоҳида доғли (3.2в-расм), ярали (3.2г-расм) ва нуқтали (3.2д-расм) бўлади. Кристаллараро ёки интеркристаллит-коррозия – металларнинг донадор чегаралари бўйлаб бузилиши (3.2е-расм). Коррозиянинг бу тури хромникелли аустенит пўлатлар учун характерли бўлиб, улар кимё машинасозлигида кенг қўлланилади. Чуқур кириб борувчи кристаллараро коррозия транскристаллит коррозия дейилади (3.2ж-расм). Бир вақтнинг ўзида битта ёки бир нечта металлни таркибини ташкил этувчиларни бузадиган коррозия селектив ёки структуравий – танланувчан коррозия дейилади (3.2з-расм).

Ҳаракат механизмига кўра кимёвий ва электрокимёвий коррозиялар мавжуддир.

**Кимёвий коррозиялар** – металлни кимёвий актив моддаларда ейилишидир (кислоталарда, ишқорларда, тузларнинг эритмаларида ва х.).

Электр токи таъсирида нам газ ва ишқорий муҳитда, электролитларда борадиган коррозия - **электрокимёвий коррозия** жуда кенг тарқалгандир. Бунда металл ионлари электролит эритмаларига ўтади. Деталь юзасини ювиб турган муҳит – электролит бўлиб ҳисобланади.

Кўпгина технологик жараёнлар водород олиш ёки уни қўллаш билан боғлик; юқори босим ва температураларда у водородли коррозияни юзага келтириб, улар қурилма, труба ва бошқа деталлар қобиқларининг юза қатламларида ҳар ҳил чуқурликларда қатламланган кўринишда пайдо бўлади.

**Ер ости коррозияси** – тупроқнинг металлга таъсири натижасида юзага келади. Муҳитнинг электр ўтказувчанлигини оширадиган тузлардан таркиб топган тупроқ бўлса, тупроқнинг коррозион ҳаракати тезлашади. Тупроқ ер ости сувлари сатҳида жуда фаолдир; нам ер қўзғалмас электролит вазифасини бажаради. Кўпгина ҳолларда тупроқ коррозияси аэрация вақтида содир бўлади (яъни кислороднинг доимий келиб туриши).


Ер ости коррозияси интенсивлиги, айниқса дайди токлар бор бўлганда (турли электр манбаларидан тармоқланган, ер ва ер ости иншоотларига кириб борадиган токлар) сезиларли даражада ошиб кетади. Доимий дайди токлар кўпроқ хавфли ҳисобланади. Ўзгарувчан дайди токлар таъсиридаги коррозия кучсизроқ ҳисобланади. Бундай коррозия улар трамвай йўллари яқинидаги ер ости пўлат коммуникалар пайвандлаш майдончаларида ва электролиз цехларида бўлади.

Тупроқ коррозиясининг бошқача тури – бу **биокоррозиядир** (микробиологик коррозия). У микроорганизмлар томонидан ҳосил қилинади. Кўпинча у тупроқда, ариқчаларда, денгиз ва анҳор соҳилларида пайдо бўлади.

Ускуналарнинг, труба қувурларнинг, металлконструкцияларнинг ташки юзалари атмосфера коррозиясига учрайди, яъни атмосфера шароитида, ошибча кислород миқдори бўлганда металлга намлиқ ва қуруқ ҳаво ўзгарувчан таъсири бўлганда юзага келадиган коррозия. Атмосфера коррозияси атроф муҳитдаги

ҳаво, таркибида  $\text{SO}_3$ ,  $\text{SO}_2$  ва  $\text{H}_2\text{S}$  бўлган ҳудудларда кучайиб кетади. Бу газлар билан биргаликда кислоталарни ҳосил қиласди. Бу кислоталар эса, металлдаги табиий ҳимоя пленкаларини бузади ва коррозион бузилишининг давомийлигини таъминлайди. Коррозия интенсивлиги континентал иқлимли ҳудудларда денгиз иқлимли ҳудудларга нисбатан камроқ. Биринчи ҳолатда бузилиш характери жиҳатдан кимёвий коррозияга яқин, иккинчисида эса - электрокимёвийга.

Кимёвий ускуналарда контактли коррозия ҳам учрайди. У ҳар хил ҳолатдаги иккита ҳар хил ёки ўхшаш металлар контакти участкасида содир бўлади. Бундай коррозиянинг вужудга келиши учун металлардан бирида легирланган қўшимча бўлишининг ўзи кифоядир. Контактли коррозиянинг тақсимланиш характери 3.3-расмда кўрсатилган. Ушбу ҳолатда электрокимёвий коррозияга кўмаклашувчи электролит бўлиб, атмосфера ҳавосидаги муҳит ёки намлик хизмат қиласди.



### 3.3-расм. Контактли коррозиянинг тақсимланиш схемаси:

1-асосий деталь, 2,4-ҳар хил металлдан ясалган туташтирилувчи деталлар, 3-коррозия зонаси.

Ҳар хил турдаги коррозияларни кўриб чиқиши шуни кўрсатадики, коррозиянинг интенсивлигини асосан металл хусусияти, унинг кимёвий таркиби ва тузилиши, маҳсулотнинг бузилаётган юзаси ҳолати, агрессив муҳит хусусиятлари, электролит эритмалар таркибий компонентлари характери, аэрация даражаси, ҳимоя қатламлари ҳосил қилиш қобилиятини аниқлаб беради. Коррозион едирилишнинг олдини олиш учун биринчи навбатда коррозия келиб чиқиши сабабларини, жараённинг бориш механизмини ва коррозия ҳосил бўлиши мумкин бўлган бузилиш турларини аниқлаш керак.

**Иссиклик таъсирида едирилиш.** Кимё ва нефтни қайта ишлаш заводлари ускуналарининг қўпгина қисми юқори температураларда ишлайди. Бундай шароитларда кучланиш ҳолатида бўлган пўлат конструкциялар вақт ўтиши билан силжувчанликка ва релаксацияга дуч келади. Бундан ташқари металл таркибининг бузулиши ҳам мумкин.

Силжувчанликнинг пайдо бўлиши конструктив элементнинг ўзгармас юклама таъсирида аста-секин пластик деформацияга учрашида намоён бўлади. Агар, кучланиш катта бўлмаса, вақт ўтиши билан бу деформациялар ўсиши тўхташи мумкин. Юқори кучланишларда деформациялар маҳсулот бузилгунга қадар давом этади.

Релаксация деганда – юқори температура таъсирида деталдаги ўзгармас деформация ўлчамларида кучланишнинг ўз-ўзидан камайиши тушунилади. Релаксацияга, айниқса кучли зўриқиши ҳолатидаги деталлар (болтлар,

шпилькалар, муҳофаза клапанлари, пружиналари ва х.) сезгирроқдир. Релаксация ускуналарни герметиклигини йўқотишга ва ҳалокатларга олиб келиши мумкин.

### **3.2. Едирилиш миқдорини ўлчаш ва назорат қилиш усуллари.**

Коррозион бузулишни баҳолаш учун сифат ва миқдорий усуллар қўлланилади.

Сифат усули намунани кўз билан кўрик ўтқазиш муҳит билан ювилиб турган юза ҳолатини текшириш мақсадида микроскоп остида текшириб кўриш, бу юзаларда ёки муҳитда коррозия пайдо бўлганлигини аниқлаш, бўёқ ўзгарганлигини аниқлаш ва муҳитнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганишни ўз ичига олади.

Миқдорий усуллар – коррозия тезлигини ва металлнинг шу ондаги механик характеристикасини аниқлашдан иборат. Коррозия тезлигини оғирлик ёки ҳажмий усулларда баҳоланади, яъни ускуна металл бирлик юзасида маълум бир вақт давомида (ҳафта, ой, йил) коррозия маҳсулотларининг оғирлигини ёки ҳажмини аниқлаш йўли билан баҳоланади. Бир қатор ҳолатларда намуна оғирлигининг ўсиб қолиши холи аниқланади. Коррозия маҳсулотларини таҳлил қилиб, коррозияга учраган деталлнинг миқдорини белгилаш мумкин. Тадқиқот қилинаётган металлнинг аниқ хусусиятларини аниқ баҳолаш учун ёрдам берадиган бошқа усуллар ҳам қўлланилади (механик хусусиятларнинг ўзгариши, ажралиб чиққан водород ёки ютилган кислород миқдори ва х.).

Кўпинча коррозия катталиги кўрсаткичи сифатида маҳсус нуқталарда металл жароҳати чуқурлиги хизмат қиласи, уни маҳсус асбобларда аниқланади.

Коррозия характеристини ва унинг тезлигини ускуналарни охирги хизмати, муддати давомида вақти-вақти билан систематик равишда ўлчаш ва кузатиш йўли билан аниқланади. Аммо, бундай кузатишлар ускуналарни тез-тез ўчириб туришни, уларни тайёрлашни, очишни талаб этади. Бу эса, иш унумдорлигининг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, муҳитнинг турли участкаларидаги коррозион хусусиятларини унинг ускунага таъсири натижаларидангина кўринади (яъни, коррозион емирилишдан кейин), бу эса, коррозиянинг тарқалишини олдини олиш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошира олмаслика олиб келади.

Зондлар ёрдамида тўхтовсиз назорат қилиш усулига алоҳида эътибор бериш керак. Коррозияни назорат қилиш учун зондлар ишчи шароитида оқимларнинг агрессивлигини аниқлаш, коррозия тезлиги юкори бўлган участкаларни белгилаш имконини беради. Ушбу кўрсаткичлар асосида коррозиядан ҳимояланишнинг ишончлироқ бўлган вариантини танлаш мумкин, шунингдек ингибиторнинг ва нейтрализаторларнинг оптимал белгиланган миқдорини ҳам танлаш мумкин.

Зондларнинг ишлаш принципи тадқиқот ўтказилаётган ускуна материалидан тайёрланган намунанинг электр қаршилигининг ўзгаришини назорат қилишга асослангандир.

Маълум бир ўлчамдаги ва шаклдаги намунани ускуна ичидаги металл коррозияси ёки муҳит агрессивлик хусусияти кўпроқ текширилаётган участкаларига жойлаштирилади. Барча зондлар кўрсаткичлари битта асбоблар

ўрнатилган тахтачага олиб чиқилиши мумкин. Зондларни ўрнатиш ва тайёрлаш қоидаларига риоя қилинганда, шунингдек ўлчаш аниқлигига амал қилинганда зондлаш ускуналар коррозиясининг аниқ тасвирини беради. Шуни таъкидлаш керакки зондлаш билан боғлиқ бўлган ишларни юқори малакада ва маҳсус хизмат орқали ўтказиш зарур.

Кимё ва нефтни қайта ишлаш заводларида қўлланиладиган нометалл материалнинг коррозион емирилишини назорат қилиш қийинроқ. Ускуналар ва труба қувурларнинг конструкцион материалларининг умумий ҳажмида нометалл материалларнинг улуши ўсиб бормоқда. Полимер материалларнинг емирилиши механизми металлар коррозиясидан фарқ қиласди ва у етарли даражада ўрганилмаган. Бунинг қийинчилиги шундаки, бундай материалнинг ишдан чиқиши, металларда бўладиган фазалар ажралиши юзасидан бошланмайди: полимер ивийди ва тезда эриб кетади. Бу жараёнлар диффузия ҳисобига полимер материал ич-ичига тарқалиб кетади.

Механик емирилиш катталиги агрессив муҳитга тегиб турган юзага перпендикуляр йўналишдаги деталлнинг чизиқли ўлчамларининг кичиклашиш даражаси билан характерланади. Бундай емирилиш чизиқли емирилиш дейилади.

Чизиқли емирилиш катталиги  $\Delta h$  нинг емирилиш содир бўлган масофа  $\Delta S$  га нисбатини чизиқли емирилиш интенсивлиги дейилади,  $\Delta h$  нинг ускуна ишдан чиқишига кетган вақт  $\Delta t$  га нисбати эса, чизиқли емирилиш тезлиги дейилади.

Хар қайси ишқаланаётган жуфтлик ишида уч босқич кўп ёки оз аниқлиқда ажралади: ишқаланиб мослашиш, нормал ишлаш ва ўсиб борувчи емирилиш (3.4-расм). Ишқаланиб мослашиш босқичида емирилиш катталигининг ўсиши, туташтирилаётган юзалардаги нотекисликнинг мўътадил ғадир-бутирликка эришилгунча ва контакт майдони доимийлигига эришилгунга қадар силлиқлаш билан тушунтирилади. Ишқаланиб мослашишнинг нормал қоидаларига риоя қилиш зарур. Чунки бу ускунанинг муддатидан илгари ишдан чиқишини олдини олиш имконини беради. Нормал ишлаш босқичи нисбатан камроқ емирилиш катталиги ва емирилишнинг доимий тезлиги билан характерланади. Умумий емирилиш катталиги маълум қийматдан ошиб кетса, кучли ўсиб борувчи емирилиш босқичи бошланади, бу ишқаланаётган жуфтликнинг буткул ишдан чиқишига олиб келади. Ускуналарни бундай ҳолатгача олиб бормаслик керак; уни емирилиш максимал қийматга етгунга қадар таъмирлашга тўхтатиб туриш керак. Бунга эришиш учун профилактик кўрик ва таъмирлаш графигига қатъий риоя қилиши керак, бу жараёнда емирилиш катталиги хақида аниқ кўрсаткичларни олиш мумкин.



### **3.4-расм. Емирилиш катталигининг бирикмалар ишлаш**

#### **давомийлигига боғлиқлиги:**

I-ишқаланиб мослашиш босқичи; II-нормал ишлаш босқичи; III-ўсиб борувчи емирилиш босқичи.

Емирилиш катталигини аниқлашнинг энг содда ва кенг тарқалган усули – микрометраж ҳисобланади, яъни деталнинг ҳақиқий ўлчамларини аниқлаш (диаметр, узунлик, девор қалинлиги, чизиқлилиқдан четлашиш ва х.) ва уларни бошланғич ўлчамлар билан солиштириш ёки туташтирилган деталлар орасидаги тирқишини аниқлаш.

Микрометраж учун турли ускуналар қўлланилади. Силлик ўқларни ўлчаш учун, масалан, штангенциркуль, микрометр, калибрлар (скобалар), кронциркуль, втулкалар бўлганда – худди шу ускуналар ишлатилади, фақатгина калибрлар сифатида, тикинлар ва индикаторлар ишлатилади. Резбали бирикмалар ўлчамларини резбали калибр ёрдамида цилиндрик шестерняларни – тиш ўлчагич, шаблонлар ёрдамида аниқланади. Тўғри чизиқлиликтини – индикаторлар, рейсмуслар, чизғичларда текширилади; подшипниклардаги туташувларни – шупларда ва ҳоказоларда текширилади.

Емирилишнинг умумий катталигини янада аникроқ топиш учун емирилиш натижасида намунанинг оғирлиги йўқотишини аниқлаш ўз ичига олган усулдан фойдаланилади. Бу усулда деталларни ўта тозалаш, ювиш ва юқори аниқликтаги тарозилар керак бўлади.

Баъзи ҳолларда, агар ускуна емирилишини унинг ишлаб турган вақтида назорат қилиш талаб этилса, интеграл усулдан фойдаланилади. Бунда ишқаланиш юзалари емирилиши натижасида сурков мойларига ўтиб қоладиган пўлат ёки чўян миқдорини аниқлаш кўзда тутилади. Бунинг учун машина картеридан вақти-вақти билан кимёвий таҳлил қилиш учун сурков мойлар намунаси олиб турилади. Бу усул юқори аниқликда ўлчашга мўлжалланган сунъий изотоплар усулига ўхшаш. Металлга киритилган изотоплар, эритиш жараёнида деталнинг емирилиши даражасида сурков мойларига ўтади, уларнинг мойдаги миқдорини маҳсус ҳисоблагичда аниқланади.

Деталл юзасининг маълум участкасидаги чизиқли емирилишни из қўйиш усули билан баҳолаш қулайдир. Тадқиқот қилинаётган юзага олмос пирамида ёрдамида квадрат кесимли из қилинади. Из қўйиш усули металлни қаттиқликка синаш вақтидаги усулга ўхшашдир. Изнинг диагонал ўлчамлари ўзгаришига қараб қолдик чуқурлик аниқланади, ундан эса – емирилиш катталиги аниқланади. Баъзан из ўрнига тадқиқ қилинаётган юзага уч қиррали олмос кескич билан ўткир бурчакли ўйиқ кесилади.

Нормал емирилишдан ташқари, амалда баъзан катта тезликда емирилиш деб аталувчи емирилиш ҳам учраб туради, бунда емирилиш бир зумда (синиб тушиш) ҳам содир бўлади. Катта тезликда емирилишни содир бўлишини мумкин қадар тез аниқлаш лозим, шундагина ҳалокат (авария) ларнинг олдини олган бўламиз. Бунинг учун ташқи кузатишнинг барча мумкин бўлган усулларидан ва қўл билан сезиладиган текширувлардан фойдаланилади.

Ташқи кузатиш вақтида машина детал ва қисмларнинг ўзаро бир-бири билан тўғри жойлашганлиги, конструктив элементларнинг ҳолатлари,

бирикмаларнинг зичлиги ва мустаҳкамлиги, пойдеворга маҳкамланганлиги ва ҳ. текшириб кўрилади. Қўл билан ушлаб кўрилганда эса ишқаланувчи деталнинг температураси ва машина ёки унинг алоҳида қисмларининг титраши аниқланади. Юқори температура ва рухсат этилмаган титраш ҳам бошқа сабаблар қатори кучли емирилишга асос бўлиши мумкин.

Ҳаракатланаётган деталларнинг синганлигини, баъзи ҳолларда эса юқори емирилиш борлигини уларга уриб кўрилганда ёки эшитилаётган шовқинга қараб ёки маҳсус эшитиш асбоблари (стегоскоп) орқали аниқлаш мумкин. Бузилганликни шовқиннинг ўзгаришидан (ёки бир текис тақиллашдан) билиш мумкин.

Юзадаги тешикларнинг борлигини уни яхшилаб ювиб тозалангандан сўнг, кўз билан кўриб (иложи бўлса лупа орқали) кўрилгандан сўнг аниқланади. Бўр эритмаси суркаб аниқлаш усули ишончли усул ҳисобланади. Текширилаётган юзани керосин билан хўллаб олинади, кейин қуруқ қилиб артилади ва спиртда эритилган бўр суркалади. Спирт учиб кетгандан сўнг мел юзасида керосин контурлари яққол чиқиб қолади.

### **3.3. Едирилиш олдини олиш усуллари.**

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, емирилишнинг ҳар бир тури, унинг характеристири ва катталиги, материалнинг хусусиятига ва юзаларга ишлов бериш сифатига, детал ва қисмларнинг конструктив хоссаларига, емирилаётган юзаларга тегадиган муҳит хусусиятларига ва бир-бирига тегиши шартларига ишқаланаётган деталлар характеристига (нисбий ҳаракат тезлиги, солиширима босим); мойлаш усулига ва мойловчи материал сифатига ва бошқаларга боғлиқ. Бундай мураккаб боғлиқликларга дуч келинганда, материалларнинг емирилишига чидамлилиги ёки емирилишига қарши кураш усуллари ҳақида аниқ эксплуатация омилларини назарда тутмай туриб, гапириш мумкин ҳам эмас.

Емирилишга қарши кураш – уни келтириб чиқараётган сабаблари аввалдан маълум бўлгандагина самара беради.

Емирилишга қарши курашнинг турли усуллари мавжуд: қуйида кимё машинасозлигига ва кимё ва нефтни қайта ишлаш заводлари ускуналарининг таъмирлаш ва эксплуатация қилиш техникасида кенг тарқалган усуллари келтирилган.


**Конструкцион материалларни тўғри танлаш.** Интенсив емирилишдан огохлантирувчи жиддий усуллар бу материални ва детал юзаларининг талаб этиладиган физик-механик характеристикаларини таъминлашdir. Муддатидан олдин механик емирилишнинг олдини олиш учун ишқаланувчи юзалар қаттиқ ва тез-тез ишлов берилиши мумкин бўлиши керак.

Пўлатдан ясалган деталларга термик ишлов бериш. Деталларга ва уларнинг юзалари учун керакли хусусиятларини кўпинча термик ишлов бериш орқали берилади. Термик ишлов беришда деталнинг бутқул ҳажми бўйлаб бўлгани каби, унинг қисмлари (масалан, юза қатламлари)да ҳам хусусиятларнинг ўзгаришига эришиш мумкин. Кўпинча кўлланиладиган термик ишлов бериш усуллари қуйидагилар: қуйидириб юмшатиш, нормаллаштириш, тоблаш ва тоблаб-бўшатиш.

Охириги вақтда деталларни юза бўйлаб тоблаш кенг тарқалмоқда. Бундай тоблаш юза қатламини юқори қаттиқликка, мустаҳкамликка ва емирилишга чидамлиликка, шунингдек, пўлатдан ясалган деталларни юқори толиқишига мустаҳкамликка эришишига йўл беради. Бу тоблашнинг оддий ҳажм бўйлаб тоблашдан фарқи шундаки, бунда тобланётган қатлам чуқурлигига фақат детал юзасигина тоблаш температурасигача қиздирилиб, сўнгра тез совитилади.

Деталнинг ҳаммаси қизиб кетишини олдини олиш учун юза қатлами тез қиздирилиб тез совитилиши шарт. Қиздириш усулига қўра, алангали юза бўйлаб тоблаш ва юқори частотали ток ёрдамида тоблашга бўлинади.

Алангали юза бўйлаб тоблашда газ кислороди алангасидан фойдаланилади (3.5-расм). Ёндиригич ва сувли трубка битта оправада бир-биридан маълум бир масофада жойлашган бўлиб, бу уларнинг синхрон ҳаракатини таъминлайди.



**3.5-расм. Кислород-ацетиленли ёндиригич алангасида юза бўйлаб тоблаш:**

1-тобланётган детал, 2-ёндиригич учи, 3-сув учун труба, 4-эгилувчан шланг.

Цилиндрик деталларни токарлик дастгоҳида амалга ошириш қулайдир. Бунинг учун деталлар марказга маҳкамланади, горелка ва сувли трубка эса, суппортга маҳкамланади.

Юқори частотали ток ёрдамида юза бўйлаб тоблашда жараённинг давомийлиги бирмунча қисқаради (бир неча секцияларгача), унумдорлик ошади ва ростлаш шароитлари яхшиланади. Тобланётган детални ёки детал участкасини индукторга жойлаштирилади. Индуктор ушбу детал шаклига эга ва мис трубкадан ясалган спиралдан иборат бўлиб, бу трубка орқали катта куч ва паст кучланишдаги ўзгарувчан ток ўтказилади. Кучли ўзгарувчан магнит майдони таъсирида деталда уюрмаланган индуктив ток юзага келади, бу ток деталнинг фақатгина юзасидагина мужассамлангандир. Индуктор мис трубкадан ўтаётган сув ёрдамида совитилади.

Юза бўйлаб тобланишдан ўтган деталларни тоблаб бўшатишга узатилади.

Деталларни кимёвий-термик усусларда юза бўйлаб мустаҳкамлаш. Таъмирлаш техникасида деталларни юза бўйлаб маҳкамлаш учун турли кимёвий-термик ишлов бериш усуслари қўлланилади. Қуйида улардан асосийлари келтириллади.

**Цементитлаш** – бу детал юзаларини углеродлаш (углеродга тўйинтириш) жараёнидир, бунда углерод таркиби юза қатламиларида 0,1-0,25 дан 1-1,2% гача ўсади. Цементитлаш натижасида юза қатламининг қаттиқлиги, мустаҳкамлиги ва

емирилишига чидамлилиги кескин ортади ва деталнинг буткул толиқиши мустаҳкамлиги ҳам ортади.

Қоидасига кўра, цементитланган деталлар тоб ташлаш, яъни шаклини ва ўлчамларини ўзгартиришдан мустасно шароитларда навбатдаги термик ишлов беришдан (меъёрлаштириш, тоблаб бўшатиш, тоблаш) ўтади.

**Азотлаш** – пўлатдан ясалган деталларнинг юза қатламларини азот билан тўйинтириш бўлиб, бу уларнинг қаттиқлигини, мустаҳкамлигини, механик ва коррозион емирилишга қарши бардошлилигини оширади. Азотланган деталлар юқори толиқиши мустаҳкамлиги билан характерланади, ўзгарувчан белгили юкламаларга қарши мустаҳкам туради. Азотланган юзаларни навбатдаги тоблашга бериш, азотлаш фақатгина коррозион мустаҳкамликни ошириш мақсадидагина қилинганлигидан мустасно бўлган холлардагина амалга оширилади.

**Цианлаш** – детал юзасини углерод ва азот билан тўйинтириш, бу деталнинг қаттиқлигини, мустаҳкамлигини, емирилишга чидамлилигини ва толиқиши мустаҳкамлигини оширади.

**Алитирлаш** (алитирование) алюминийлашнинг бир тури – яъни, пўлатдан ясалган деталларни иссиқликка бардошлилигини ошириш учун қўлланилади. У детал юза қатламини алюминий билан тўйинтиришга асосланган.

**Хромлаш** – кўзда тутилган мақсад пўлатдан ясалган деталларни юза қаттиқлигини, иссиқликка бардошлилигини ва емирилишга чидамлилигини оширишdir. Детал юзаси хром билан таркибида 60% металл хроми ёки феррохром, 37% глинозем ва 3% концентранган хлорид кислота бўлган кукунда диффузион металлаштириш йўли билан тўйинтирилади. Кимёвий-термик хромлашни детал юзасини хром билан гальваник қоплаши жараёнидан фарқлай билиши керак, бу усул умуман бошқача технология бўйича амалга оширилади.

**Силицитлаш** – юқори температуralар шароитида ишлайдиган пўлатдан ясалган деталлар хосдир. Деталларнинг юза қатламлари кремний билан тўйинтирилади; 900°C гача қиздирилиш натижасида пўлатнинг оксидланишга қаршилиги ошади.

**Деталларни юза бўйлаб пухталаш орқали мустаҳкамлаш.** Совук ҳолатдаги деталнинг пластик деформациясида унинг мустаҳкамлик хусусиятлари ўзгаради, қаттиқлиги ошади ва қовушқоқлиги камаяди. Деталнинг механик емирилишига чидамлилигини ошириш учун уларнинг юзаларини мустаҳкамланади. Детални чиниқтириш, жувалаш ёки металл шарчалар оқимида ишлов бериш усуллари билан амалга оширилади.

Жувалаб чиниқтириш – цилиндрик ва ясси, мураккаб бўлмаган шаклга эга бўлган деталлар учун қўлланилади. Дастигоҳларда ёки қайтиб кирувчи ҳаракатга келтирилувчи детал, пухталangan юзаларга жипслашган роликлар билан чиниқтирилади. Роликлар токарлик ёки йўниш дастигоҳларнинг суппортларига маҳкамланган бўлади. Одатда, пухталangan (мустаҳкамланган) қатлам чуқурлиги 2мм дан ошмайди. Маҳкамлаш билан бир вақтда детал юзаси янада тозаланади.

**Деталларни қаттиқ қотишмалар билан қоплаш орқали емирилишга чидамлилигини ошириш.** Деталларнинг емирилишига чидамлилигини кескин ошириш учун уларнинг юзаларини қуйма (ВК-3, сормайт-1 ва сормайт-2) ва

кукунсимон металлокерамик (вопар, стаменит) қаттиқ қотишималарида суюлтириб қопланади.

Сортмайт – хром, углерод ва тейрнинг таркибида сезиларсиз даражада кремний, марганец ва никели бўлган қотишимасидир; у диаметри 3 хил бўлган қўйма чивиклар ёки узунлиги 250 мм бўлган пластиналар кўринишида тайёрланади. Сормайт кўпгина металлар учун зарур бўлган иссиққа чидамлилиги билан характерланади.

Сталинит – бу феррохром ва ферромарганецнинг чўян қириндиси ва нефт кокси кукунлари бўлган аралашмасидир. Сталинитли суюлтириб қоплаш технологияси шу билан фарқ қиласди, бунда детал юзасига тоблантирилган буранинг юпқа қатлами жойлаштирилади, унга эса 5-6 мм қалинликда кукун қатлами сепилади, бу кукунни электр ёйи алансасида суюлтирилиб олинади. Суюлтириб қопланган қатлам қалинлиги кукун қатлами қалинлигидан тахминан икки марта кичик.

Бундан ташқари, симли электродлар ва қопламалар, масалан темир хромли, темир марганецли, шунингдек, трубали материаллар – майдаланган вольфрам карбиdi билан зичлаб чегараланган пўлат ва никель трубалари ва бошқалар ҳам кўлланилади.

**Емирилишга қарши курашнинг конструктив чора-тадбирлари.** Кўпинча ускуналарнинг интенсив емирилишига уларнинг у ёки бу қисмларининг конструкцияларини тўғри танланмагани сабаб бўлади. Ускуналарнинг емирилишига чидамлилик нуқтаи назаридан конструктив таркиб топмаганлигини ҳам унинг иш параметрларини ўзгаришига олиб келади (мухит босими, температураси, физик-кимёвий хоссалари) конструкцияси ушбу шароитда ишлашга мос келиш келмаслигини текшириб туриши лозим.

## 5- Мавзу.

## **Нефт газ саноати технологик жихозларининг РООТ тизими. Ускуналарни нометалл қопламалар билан коррозиядан ҳимоялаш**

### **5.1. Ускуналарни нометалл қопламалар билан коррозиядан ҳимоялаш**

Агрессив муҳитда ишлайдиган ускуналарда коррозияга чидамли қоплама сифатида табиий ва сунъий нометалл материаллар кенг қўлланилади. Қўйида кимё ва нефти қайта ишлаш саноатида кенг тарқалган нометалл материалларни қўлланиш тармоқлари ва характерли хусусиятлари келтирилган.

Табиий кислота бардошлардан (андезит, бештаунит, гранит) лар – тоғ жинсларидир. Бу материалларни ўта агрессив муҳитларда (азот, сульфат ва хлорид кислоталари, йод, бром, ва x.) ишлайдиган кимёвий ускуналарни тайёрлашда ёки қопламалашда қўлланилади.

Андезит ва бештаунит 800°C гача температурада фойдаланилади, гранит – 250°C гача. Табиий кислотабардошлар саноатда катта (1000x600x300мм) ва кичик (300x300x150мм) катталикада параллелепипедлар кўринишида

келтирилади, шунингдек, буюртмачи буюртмаларига кўра тайёрланади. Майдаланган табиий кислотабардошлар, бетонлар, цементлар ва суртма пасталар тайёрлаш учун қўлланилади. Андерет суртма пасталар, масалан, қовушқоқ модда сифатида ишлатилаётгани – майдаланилган элакдан ўтказилган андецитдан, кремний фтор водородли натрий ва суюқ шишадан иборат.

Керамик кислотабардошлар (кислотабардош ғишт ва чинни) барча минерал ва органик кислоталарда юқори чидамлилиги билан характерланади (кремний фтор водородлидан ташқари) ва кимёвий фаол моддаларни сақлаш учун сиғимлар ва кимёвий ускуналарни қопламалаш учун қўлланилади. Бундан ташқари, чинни анчагина юқори температураларда ( $160^{\circ}$  гача) яхши қаршиликка эга.

Кислоталардан тупроқ, шамот, қум ва дала шпати қидириб бириккунча куйдирилган кислотабардошларни тўғри ёки паналанган ғишт плита ёки шаклдор буюм шунингдек, труба ва уларга қилинган шаклдор қисм кўринишида келтирилади. Силикат суртма мойлар деб аталувчи кислоталар бардош керамикандан ишланган плиталарни қопламалаш қовушқоқ материаллар кислотабардош цемент ва суюқ шиша асосида таркиб топади. Уларни тайёрлаш технологияси ва қурилмалар ва плиталар юзаларига суртилиш технологиясига қатъий риоя қилиш керак. Шунингдек, иш бажарилаётгандаги температурага ҳам (одатда  $15\text{--}25^{\circ}\text{C}$  атрофида) риоя қилинади.

**Тош қуймалар.** Минерал кислоталар муҳитида ишлаб кўпгина автоклавлар, реакторлар, тиндиргичлар ва баъзи бошқа кимёвий қурилмаларни базальт ва эритилган диабаздан қилинган плиталар билан қопланади. Плиталар, ушбу жинсларни шахта ўтхоналарида эритиб, қолипларга қуиб, сўнгра куйдириш йўли билан олинади. Тош қуйма билан олинган плиталарнинг ажralиб турадиган хусусиятлари - қаттиқлиги, иссиқликка чидамлилиги ва температуралар ўзгаришига сезгирлиги кичик.

Тош қуймаларни қопламалаш учун диабез кукуни, кремний фторводород натрий ва суюқ шишадан таркиб топган аралашма суртма мой хизмат қиласи. Қурилмалар юзасига суркалган бундай суртма мойлар, ўз-ўзидан турғун кислотабардош қатлам ҳосил қиласи, аммо сифати бўйича плиталар қопламасидан кейинги ўринда туради.

Арзамит суртма мойлари, силикат суртма мойларига қараганда турли агрессив муҳитларга нисбатан кичик ғовакликка ва катта мустаҳкамликка эга, катализаторлар иштирокида совуқда яхши қотади. Бу суртма мой ўзининг универсаллиги билан ажralиб турганлигидан, қуида унинг тўлиқ характеристикаси берилган.

Арзамит суртма мойини фенол-формальдегид смоласи асосида олинган эритувчини кварц кукуни, барий сульфати, кремнезем (тўлдирувчи) ва n-булоусульфохlorид (қотишни тезлаштирувчи) кукуни билан аралаштириб олинади. Охирги вақтда арзамитни қурилмаларни қопламалашда ва қопламадаги чокларни ямашда, шунингдек, химояловчи пардоз юзалари сифатида қўпгина пластик массаларни ёпиштиришда фойдаланилади.


Арзамит юқори коррозион мустаҳкамликка эга; бундан ташқари, у механик мустаҳкам ва  $0,3\text{--}0,5$  МПа гача босимда суюқликлар учун сув ўтказмаслик хусусиятига эга. Арзамитнинг баъзи бир маркалари (масалан, арзамит-4 ва

арзамит-5) иссиқлик ўтказувчанлиги билан характерланади ва иссиқлик ўтказади. Бу эса девор орқали иссиқлик алмашиниш амалга оширадиган (реактор) ва филофли аралаштиргич ёки ташки змеевикли ва х.) қурилмалар учун жуда муҳимдир.

Арзамит тез қотади, шунинг учун уни бевосита ишлатилишидан олдин, тайёрланган массанинг ҳамма микдори 30 мин ичида сарфланадиган қилиб тайёрланади.

**Кўмир-графитли материаллар.** Қопламаланган юза, қурилма девори орқали иссиқлик ўтказишни ёмонлаштирмаслиги зарур бўлган ҳолларда, коррозион чидамли материал сифатида фенол-формалдегид смоласи чўқдирилган графит ва кўмир ишлатилади. Кўпгина 180x120x15 ва 180x120x10мм ўлчамдаги АТМ-1 қопламалаш плиталари қўлланилади. 180°C гача температураларда чидамли бўлган арзолит-4, арзолит-5 маркали арзолит суртма мойлар асосидаги кўмир-графитли материаллар билан иссиқлик алмашиниш қурилмалари, сифимли идишлар, аралаштиргичлар, реакторлар иссиқлик қоплама билан ўралади.

**Донали материалларда қурилмаларни қопламалаш.** Донали материаллар билан қурилмаларни қопламалаш технологияси турлича ва мураккаб, улар қоплама қилинаётган материаллар ва уларга суртиладиган мойларнинг ўзига хос хусусиятларига мос равишда ишнинг ишлаб чиқариш режимига қатъий риоя қилишни талаб қиласди. Шунингдек, эксплуатация қилиш шароитларига ҳам қатъий риоя қилишни талаб қиласди. Қопламалаш ишлари одатда маҳсус ташкилотлар ёки участкаларда амалга оширилади. Цех механизиги ускуналари қопламага тўғри тайёрлаши, ўтказиладиган операциялар сифати ва кетма-кетлигини текшириши ва ускуналарнинг лозим бўлган эксплуатациясини таъминлаши зарур.



### 5.1-расм. Уч қатламли қоплама схемаси.

1-қурилма қобиғи; 2-эластик коррозияга чидамли материал;  
3-донадор материал биринчи қатлами. 4-донадор материал иккинчи  
қатлами.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, донали материаллар билан фақатгина етарли даражада қаттиқ қурилмаларни қопламалаш мумкин, акс ҳолда, қопламада ёриқлар пайдо бўлиши эҳтимоли бор. Бу ёриқлар орқали агрессив муҳит материалга сачрайди ва коррозияни вужудга келтиради. Худди шу сабабга кўра қоплама қилинган ускуналарнинг тебраниши ёки титраши қатъян ман этилади.

Қопламалашдан олдин қурилма синовдан ўтган бўлиши, ифлосликлардан, чўкмалардан ва зангдан тозаланган бўлиши керак. Қоплама қилинадиган юзаларнинг учли бурчаклари юмалоқлаштирилади (юмалоқлаштириш диаметри 5мм дан кам эмас).

Одатда қурилмаларни муҳит агрессивлиги даражасига ва иш шароитларига қараб, икки ёки уч қатламли қоплама қилинади. 5.1-расмда уч қатламли қоплама кўрсатилган. Унинг биринчи қатлами эластик коррозиябардош материалдан тайёрланган бўлиб, (винилпласт, полизебутилен, қўрғошин, резина ва х.), қопламанинг донали материали иккинчи ва учинчи қатламлари оралиғидаги чоклар орқали агрессив муҳитнинг металл юзасига тушишини олдини олади. Бундан ташқари, биринчи қатлам маълум даражада қурилма корпуси ва асосий қоплама температуралар деформацияси фарқини камайтиради.

Қопламанинг иккинчи ва учинчи қатлами ясалган плиткалар ва ғиштларни шундай тахланадики, бунда чоклар беркитилган (ёпилган) бўлсин. Бунда тахланиш мустаҳкамлиги билан бир қаторда қатламларнинг юқори зичлигига эришилади. Қопламанинг ҳар бир қатлами плиталарини тахлашдан аввал, олдинги қатлам юзасини (ёки қурилманинг ўзини) суюқ шиша эритмаси ва тўлдирувчи (кислатабардош суртма мойлар учун кукун) билан қопланади, кейин худди шундай хамирга ўхшаш консистенция билан шпаклевка қилинади. Суркалган қопламлар қатлами маълум вақт давомида тегишли температураларда қуритилади ( $30-35^{\circ}\text{C}$  да 12 соат давомида ).

Плиткаларни тахлашда чоклар нечоғлик юпқа бўлишига интилиш керак (2-3мм дан ортиқ эмас ) ва суртма мой билан зичлаб тўлдирилишига ҳаракат қилиш зарур.

Плиткаларни тахлаш  $15^{\circ}\text{C}$  дан кам бўлмаган шароитда амалга оширилади. Ҳар бир қатламни ва қопламани буткул қуритишни аста секинлик билан олиб бориш керак. Тайёр қопламани 5 суткадан кам бўлмаган вақтда, температурани аста-секин  $60^{\circ}\text{C}$  гача кўтариб қуритилади.

Қоплама яхши сифатли адо этилганлиги ҳақида унга ёғоч болғача билан урганда жарангдор металл товуш чиқишидан ва чокларда бўртиқлар ва дарзлар йўқлигидан билса бўлади. Тажриба шуни кўрсатадики, кўпинча қоплама пайванд чоклари областида бузилади, шунингдек, қурилмалар қобигига штуцер ва чокларни пайвандланган жойларда бузилади. Шунинг учун таъмирлаш вақтида бу жойларни яхшилаб кўздан кечириш керак. Қопламада тешик ва дарзлар аниқланса, улар тозаланади ва суртма мой билан тўлдирилади.

АТМ-1 плиткалари билан қопламалаш технологияси шуниси билан фарқ қиласиди, қурилманинг қоплама қилинаётган юзаси, баъзан эса плиткаларнинг ўзи ҳам қум пуркагич қурилма ёрдамида ишлов берилади. Қопламанинг қатламостиси бўлиб, бакелит лаки ва графит аралашмаси хизмат қиласиди. Уни қурилма юзасига икки қават қилиб суркалади ва ҳар бир қават албатта қуритилади.

**Антикоррозион цемент қопламалар.** Коррозион актив нефтни қайта ишловчи заводларда, баъзи бир қурилмаларни коррозиядан сақлаш учун цемент қопламалар ишлатилади ва улар юқори иссиқлик-бардошлилиги билан (500 с гача) ҳарактерланади. Бундай қопламаларни қурилмага бутун юзаси бўйича ёки фақат алоҳида учатскаларига суркалади. Шунинг билан биргаликда улар,

таркибида эркин олтингугурт бўлган сульфат кислотаси ва нефт маҳсулотларига чидамли эмас.


Қуидаги икки таркибли цемент қопламалар қўлланиб келинмоқда: 1-400 ва 500 маркали глинозем цементи, юпқа майдаланган қўшимча (диабаз упаси, кварц қуми, базальт кукуни) ва ўртача йириклидаги дарё қуми; 2-400 маркали пуццолан портландцементи.

Қопланаётган юзани аввалдан қумпуркагич қурилма ёрдамида ялтирагунча тозаланади. Бунда ҳосил бўлган юзанинг ғадир-будирлиги у билан химояловчи қопламанинг яхши ишлашишига ёрдам беради. Қопланаётган юзани, шунингдек, металл шчётка ёрдамида тозалаш мумкин, ёки суюлтирилган сульфат ёки хлорид кислоталарда ингибиторлар иштирокида ишлов берилиб, кейин 5% ли сода эритмасида обдон ювиб ва қуритилиши мумкин.

Цемент қоплама мустаҳкам бўлиши учун қурилма метали билан яхши ёпишиши учун арматура-ячайкалари катталиги 100x100 гача бўлган диаметри 3мм ли пўлат симдан тайёрланган метал сетка ўрнатилади. Сеткани изоляцияланаётган юзага ёзилади ва охиридан 15-20мм масофада илгакчалар ёрдамида маҳкамланади, илгакчаларни юзага шахмат тартибида 350мм гача қадамда пайвандланади. Юқориги тезликнинг ички юзаси, шунингдек, бир юзадан иккинчи юзага ўтадиган жойларда илгаклар бир-бирига яқин ўрнатилади. 5.2-расмда қурилмаларнинг турли участкаларидағи цемент қопламалар конструкциялари келтирилган. Жойдаги қопламаларни қурилмага бурчак шаклли полка кўринишида пайвандлаш билан чегараланади.

Мухит хусусиятларига қараб, 40°C гача температурада ва юқори босимда, резинадан, чармдан ёки поливинилхлориддан, U-симон, шевронли, ёқасимон манжетли зичлагичлар қўлланилади. Монтаж шакллари турли бўлган монжетли зичлагичлар, салникли тиқинларга қараганда сезиларли даражада кам таранглик кучи талаб этади ва валга ишқаланиш уларда бирмунча камроқ.

Ишчи муҳитнинг юқори температурандаги кичик ҳаракат тезлигига металл ва яримметалл юмшоқ антифрикцион қотишмалардан (масалан, 60% қўрғошин, 37% мис ва 3% никель таркибли қотишма) графит шимдирилган асбестли ўзакдан ясалган бўшликка эга бўлган ҳалқали зичлагичлардан фойдаланилади. Бу зичлагичлар юқори босимларда ҳам яхши ишлайди.



**5.2-расм. Қурилма ички юзаси цементли қопламасининг схемаси.**  
а-цилиндрнинг юқориги таглик билан туташуви; б-цилиндрик девор; в-  
ясси таглик  
билин туташув; 1-қурилма корпуси; 2-токча; 3-арматураланган сетка; 4-  
маҳкамловчи

илгакчалар; 5-цемент қоплама; 6-маҳкамловчи бурчак; 7-таглик; 8-таянч бурчаги.

Шу йўл билан тайёрланган юзани суюқ шиша ёки цементли эритма билан икки қатламли қилиб илашиб туташиши учун мос келадиган чидамлилик билан грунтовка қилинади, ундан сўнг, торкретировка йўли билан ёки (кичик қурилмалар бўлганда) кул билан икки ёки бир неча қават цемент эритмаси суртилади. Теркретировка цементпушкада сиқилган ҳаво ёрдамида амалга оширилади. Яхши сифатли қоплама олиш учун цемент, диабаз упаси ва қумни яхшилаб аралаштириш аҳамиятлидир, шунингдек, эритма керакли қуюқликка эришиши керак. Торкретировканинг минимал температураси  $-5^{\circ}\text{C}$ . Илашиш жараёнида қопламаларни сув билан суғорилади, илашишдан сўнг эса, 72 соат мобайнида сув остида ушланади. Пуццолан портланд-цементи асосидаги қопламаларга худди шу муддатда юмшоқ буғ билан ишлов берилади. Қоплама сифати тўғрисида юзага енгил болғача билан уриб кўрганда чиқадиган овозга қараб баҳо берилади. Нуқсонли жойлар буткул олиб ташланади, қумпуркагич қурилма билан ишлов берилади ва қайтадан торкретировка қилинади.

## 10- Мавзу.

# ТРУБА ҚУВУРЛАРИ ВА АРМАТУРАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА МОНТАЖ ҚИЛИШ

## 10.1. Қисмларни тайёрлаш ва труба қувурларини монтаж қилиш

Технологик труба қувурлар кимё саноати корхоналаридағи технологик қурилмаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Кимё ва нефтни қайта ишлаш корхоналари труба қувурларининг узунлиги ва уларга металл сарфи жуда катта. Шунинг учун монтаж ишлари мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиласи. Труба қувурларини ишчи ҳолатда ушлаб туриш кўп ишчиларни жалб қилишни тақозо этади. Замонавий нефтни қайта ишлаш корхонасида труба қувурларини монтаж қилиш ишлари умумий монтаж ишларининг 50-60% ни ташкил қиласи.

Труба қувурларининг вазифаси турлича: у унинг номланиши ва конструктив жиҳозланишини белгилайди. Труба қувурлари технологик қурилмаларни ягона системага бирлаштиради, ҳамда қурилмалар ва корхона цехлари орасидаги боғланишни таъминлайди. Хом-ашё, ярим маҳсулот ва тайёр маҳсулотларни транспортировка қилиш учун мўлжалланган узун труба қувурлари, магистрал қувурлар деб номланади.

Труба қувурлари орқали суюқлик, газ ёки таркибида қаттиқ заррачалар бор аралаш оқимлар ҳаракатланади. Труба қувурларини тўғри эксплуатация қилиш учун улардаги босим, ҳамда узатилаётган мухитнинг температураси, коррозион ва

эррозион фаоллигини билиш зарур. Одатда, труба қувурининг ташқи томонини ювиб турувчи муҳитнинг хоссалари аниқловчи омил бўлади. Трубани тайёрлаш усули ва материалини, ҳажми ва монтаж қилишни, уни таъмирлашни эксплуатацион параметрларга қараб белгиланади.

Хар бир труба қувурининг асосий элементи - трубалар. Труба қувурларининг кўчилигини пўлат трубалар ташкил этади. Трубалар чоксиз ва чокли (пайвандланган) бўлиб, турли маркали пўлатлардан ясалади. Коррозион фаол муҳитлар учун биметалл трубалар қўлланилади. Худди шу муҳитлар учун ички юзаси полимер материал, резина ва эмаллар билан қопланган чоксиз трубаларни ишлатиш мумкин.

Айрим ҳолларда, 0°C дан паст температураларда эксплуатация қилинадиган труба қувурлари рангли ёки уларнинг қотишмалардан тайёрланади.

Коррозион фаол муҳитларни узатиш учун нометалл материаллар (фаолит, винипласт, шиша, керамика ва х.) лар дан ясалган труба қувурлари кимё саноатида кенг қўлланилади.

Труба қувурларини монтаж қилиш ва таъмирлаш усуллари труба қувурларининг материалига, ҳамда унинг ўлчамлари ва ерга нисбатан жойлашишига боғлиқ.

Ҳамма труба қувурлари ишчи чизмалар ва тасдиқланган лойиха асосида қурилади. Мунтазам равишда кузатиладиган, тез-тез таъмирланадиган труба қувурлари, одатда фақат таянчларга ўрнатилади. Агарда, эстакадага бир неча қатор труба қувурлари жойлаштириладиган бўлса, агрессивлиги юқори, заҳарли ва ёнувчан муҳитли труба қувури энг пастки қаторга ўрнатилиши зарур. Чунки, бундай жойлаш таъмирлаш ва кузатиш ишларини осонлаштиради. Ундан ташқари, авариялар бўлганда бошқа труба қувурларига ушбу моддалар ўтиб ёки оқиб тушмайди ва заарар етказмайди. Иссиклик элтгич ва конденсатлар учун труба ва буғ қувурлари таянч ва эстакадаларда, ҳамда ишончли канал типидаги очик лотокларда ўрнатилади.

Фланецли, иссиқлик қопламали бир текисликда ётган қўшни труба қувурларининг ўқлари орасидаги масофа  $L$  ни қўйидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$L = \frac{D_1 + D_2}{2} + a \quad (10.1)$$

бу ерда  $D_1$  ва  $D_2$  – қўшни труба фланецларининг ташқи диаметри, м;  $a$  – фланецлар орасидаги масофа, м; трубалар диаметри 200мм дан кам бўлганда  $a=80-100$  мм; трубалар диаметри 250-700мм бўлса  $a=105-150$ мм.

Энг четки труба қувури ўқидан қўшни конструктив элементгача бўлган масофа  $c$  ушбу формула орқали топилади:

$$c = \frac{D}{2} + a \quad (10.2)$$

бу ерда  $D$  – труба қувури фланецининг ташқи диаметри.

Кўпчилик ишлатилаётган труба қувурлари статик электр майдони таъсирига дучор бўлади. Шунинг учун, труба қувурларини ерга улаб қўйиш керак.

Кўрилаётган труба қувурлари хизматчилар, машина ва юк кўтарувчи транспорт юриш ва ўтиш йўлларини ёпиб қўймаслиги керак. Эстакада ёки ер устидаги энг пастки труба қувури белгиланган баландликда бўлиши зарур: темир йўллари устидан 5,5м; автомобил йўли устидан 4,5м; йўловчилар йўлидан 2м;

шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида қайд этилган участкалар устидан фақат пайвандланган (фланец, арматура, компенсатор ёки бошқа мосламасиз) труба қувурлари ўтказилади.

Жойлашишига қараб, ер ости ва ер устидаги труба қувурлари бўлади. Ер устида жойлашган труба қувурлари кенг тарқалган, чунки уларни техник назорат қилиш осон.

Труба қувурлари, айниқса ер остидагилари, кўндаланг кучлар таъсиридан ҳимояланган бўлиши даркор. Шунинг учун, йўллар остидаги труба қувурлари туннель ёки гильзаларга жойланади. Ундан ташқари, девор ва бетон шиплар орқали труба қувурлари ўтказилганда ҳам гильзалардан фойдаланилади. Ушбу усул, қурилиш конструкциясидан қатъий назар, температура деформациялари труба қувурига шикаст етказмайди. Одатда, гильзалар мустаҳкам ва қўзғалмас қилиб ўрнатилади. Ҳар доим, пайванд чоклари гильза ичига тўғри келмаслигига ҳаракат қилиш керак.

Ер ости труба қувурлари энг камида 0,5м чуқурликда ётказилиши керак. Музлайдиган ерлар учун труба қувури ўрнатиш чуқурлиги, музлаш чуқурлигидан 0,1м кўп бўлиши зарур. Темир ва трамвай йўллари билан кесишадиган жойларда гильзали труба қувурлари шпал остидан энг камида 1м чуқурликда ўтиши керак. Автомобил йўллари остидаги труба қувурларини ўтказиш чуқурлиги 0,8м дан кам бўлмаслиги керак.

Труба қувурларини саноат иншоотларининг девори орқали ўтказиш ман қилинади. Айрим ҳолларда, кичик диаметрли труба қувурларини деворга маҳкамланган таянчларда ўтказиш мумкин, лекин улар ойна ва эшикларга тўсқинлик қилмаслиги керак.

Бинолар, қурилмалар фундаменти ва саноат иншоотлари остидан труба қувурларини ўтказиб бўлмайди. Ер ости труба қувурлари коррозиядан мукаммал ҳимояланган бўлиши керак. Технологик труба қувурлари маълум қияликда ўрнатилиши керак, чунки муҳит узатилиши тўхтатилганда уни бўшатиш осонлашади.

## 10.2. Технологик трубалар ва уларнинг тоифаси.

Технологик қувурлар цех ичидағи ва цехлараро қувурларга бўлинади. Цех ичидағи айрим қурилмаларни, машина ва ускуналарни бирлаштирувчи труба қувурлари, цехларарога эса – турли цехлардаги қурилмаларни бирлаштирувчи трубалар киради.

Технологик труба қувурлари бир қатор элементлар ўзаро ажралмас ва ажралувчан бирикмалар билан бирлаштирилган труба, труба деталлари ва арматуралардан таркиб топган.

Труба қувурларини лойиҳалаш, стандарт ва нормаллар асосида труба қувурлари элементларини танлашдан иборат. Танлашда асосан труба қувуригининг иккита характеристикаси катта аҳамиятга эга: шартли ўтиш диаметри ва шартли босим.

Труба ёки арматурадаги муҳит ўтиши учун мўлжалланган тешикнинг номинал диаметри – шартли ўтиш диаметри ёки шартли диаметр дейилади ва у  $D_y$  деб белгиланади. Агар, труба қувуригининг исталган иккита элементи бир хил  $D_y$  га

эга бўлса, унда уларнинг кўндаланг кесим юзалари ва бирлаштирувчи ўлчамлари ҳам бир хил бўлади. Шартли диаметр қатори Давлат Стандарти томонидан белгиланган. Технологик қувурларда кенг қўлланиладиган труба ва арматуралар учун қўйидаги труба шартли диаметрлари (мм) тавсия этилган: 3; 5; 10; 15; 20; 25; 32; 40; 50; 65; 80; 100; 125; 150; 200; 250; 300; 350; 400; 500; 600; 800; 1000; 1200; 1400; 1600; 2000; 2400; 3000; 3400; 4000.

20°C температурали муҳитнинг максимал муҳитнинг ортиқча босимида труба ва труба қувурлари элементларини хавфсиз ва узоқ муддатли эксплуатациясини таъминловчи босим – бу шартли босим  $P_y$ .

200°C температурагача муҳитнинг шартли босими ва ишчи босими бирбирига мос тушади. Ундан юқори температурада шартли босим қиймати ишчи босим қийматидан катта бўлиши керак.

Давлат стандарти қўйидаги шартли босимлар қаторини белгилаган (МПа): 0,1; 0,25; 0,4; 0,6; 1; 1,6; 2,5; 4; 6,4; 10; 16; 20; 25; 32; 40; 50; 64; 80; 100.

Ишлаш шароитига қараб гурухларга бирлаштириш учун қўйидаги 3 асосий параметр бўйича класификация қилинган: ишчи босим; ишчи температура; муҳит хоссалари ва параметрлари.

Узатилаётган муҳит хоссаларига қараб труба қувурлари 5 гурухга ажратилган (А, Б, В, Г, Д), муҳит параметрлари (босим ва температура)га қараб 5 та тоифага бўлинади (I, II, III, IV, V).

А – Д гурух труба қувурлари: суюқ ва газсимон заҳарли маҳсулотлар учун;

Б – ёнувчан ва фаол газлар, ёнувчан ва енгил аланга олувчан суюқликлар учун;

В – ўта кизиган сув буғи учун;

Д – ёнмайдиган газ, суюқлик ва буғлар учун.

Ҳар бир гурух ичида, труба қувурлари яна тоифаларга ажратилган. Чунончи, Б гурухида 350-700°C да енгил аланга олувчи суюқликлар учун I тоифали труба қувури зарур, - 150 дан +120°C температурагача IV тоифали труба қувури керак. Ҳар бир тоифа труба қувурлари учун лойиҳалаш, монтаж, эксплуатация ва таъмирлаш нормалари ўрнатилган.

### **10.3. Трубалар, бирлаштириш деталлари, компенсатор ва таянчлар.**

Технологик қувурларда пайвандланган ва чоксиз пўлат трубалар кўп микдорда ишлатилади. Пайвандланган трубалар бўйлама ёки спиралсимон чокли бўлади ва улар пухталиги чоксиз трубаларнидан анча паст. Чексиз трубалар асосан заҳарли, портловчи ва коррозион фаол моддаларни, қолган ҳолларда эса – пайвандланган трубалар қўлланилади.

Пўлат трубалар турли маркали пўлатлардан ясалади. Кенг қўламда қўлланиладиган трубалар Ст.10 ва Ст.20 маркали пўлатдан, маҳсус трубалар эса – легирланган, юқори легирланган, кислотага бардошли ва иссиқликка бардошли пўлатлардан ясалади. Ундан ташқари, чўян, мис, латун, кўрғошин, керамика, алюминий, титан, стеклопластик, шиша, фарфор, пластмасса ва бошқа материаллардан тайёрланиши мумкин. Ҳозирги кунда рангли металл ва кўрғошиндан ясалган трубалар пластмассадан қилинган трубаларга алмаштирилган. Охирги пайтда винипласт, фаолит, полиэтилендан ясалган

трубалар кенг миқёсда ишлатилмоқда. Бу трубалар агрессив мұхитларга ўта бардошли, лекин мұхит температураси ортиши билан қўллаш чегараси камаяди. Масалан, винипласт трубаларни 40°C гача, полипропилен трубаларни 100°C гача ва фаолитдан ясалган трубаларни 110°C гача қўллаш мүмкін.

Ҳозирги кунда кимё ва бошқа саноатларда титан трубалар кенг қўламда ишлатилмоқда. Худди шундай, труба ички қисм полиэтилен, винипласт, эмаль, шиша ёки резина билан қопланган трубаларни ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган.

Коррозион фаол мұхитларга нисбатан кимёвий бардошлигига, кичик солиширма оғирлиги, тайёрланиши енгил бўлишига қарамасдан, полимер материаллардан ясалган труба қувурлари мустаҳкамлиги пастлиги учун чегараланган қўламда қўлланилмоқда. Полимер труба мұхитнинг температураси ошишига жуда сезгир, чунки мустаҳкамлиги кескин равишда камаяди. Ҳозирги кунда винипласт трубалар кенг қўламда қўлланилмоқда. Улар диаметри 10-250мм ва узунлиги 300-1500мм ли қилиб ишлаб чиқарилмоқда ва 0,25 МПа босимга бардош беради. Винипласт трубаларни букиш учун ичи қум билан тўлдирилади ва 130-145°C да ишлов берилади. Бундай трубаларни пайвандлаш 200-210°C ли иссиқ ҳаво оқимчаси ёки газ алангасида амалга оширалади. Полиэтилен труба юқори эластиックка эга ва қурилиш ва монтаж майдончаларига катта ўрамларда келтирилади.

Полипропилен трубалар юқори температурага бардош бера олади ва температураси 150°C ва босими 1,6 МПа ли мұхитларни транспортировка қилиш учун қўлланилади.

Охирги йилларда фторопласт-4, шиша пластик, шиша толали анизотроп материалларни қўллаш оммавий тус олмокда. Мұхит босими 0,4 МПа да шиша трубалар яхши эксплуатациян хоссаларга эга. Шиша труба қувурлар деталлари пайвандлаш ёки маҳсус резина ҳалқали фланецлар ёрдамида бирлаштирилади.


Бирлаштирувчи деталларга турли конструкцияли тирсаклар, бир диаметрдан иккинчисига ўтувчи мосламалар, тройниклар ва бошқалар киради. Одатда, труба қувурларининг элементлари (тирсаклар, трубалар) бир-бирига пайвандлаб бирлаштирилади.

Агарда, трубаларни пайвандлаш мақсадга мувофиқ бўлмаса, унда трубалар фланецли бирикмалар ёрдамида бирлаштирилади. Кўпинча, пайвандланган фланецлар қўлланилади. Резьбали фланецлар асосан юқори босимли труба қувурларида ишлатилади.


Маълумки, атроф мұхит ва труба орқали узатилаётган мұхит температуралари ўртасидаги фарқ катта бўлса, труба қувурлари температура деформациясига дуч келади. Одатда труба қувурлари узун бўлади ва ишлаб чиқаришда умумий температура деформациясининг миқдори катта бўлиши мүмкін. Натижада, труба узилиши ёки шишиб қолиш ҳоллари рўй беради. Шу сабабли, ушбу деформацияларни компенсация қилиш зарур.

Технологик труба қувурларидаги температура деформацияларини бартараф қилиш учун П-симон, линзали, тўлқинсимон ва сальникли компенсаторлар ишлатилади.

Труба қувурларининг диаметридан қатъий назар ер устидаги конструкцияларда П-симон компенсаторлар жуда кўп ҳолларда қўлланилади (10.1 - расм).



**10.1-расм П-симон компенсатор.**




**10.2-расм. Тўлқинсимон компенсатор.**

1-патрубка; 2--қобик; 3-халқа;  
4- гофирланган элемент; 5-стакан.

Бу турдаги мосламалар компенсация қилиш қобилияти катта, исталган босимларда ишлатиш мумкин. Лекин, улар қўпол ва маҳсус таянчлар ўрнатилишини талаб қиласиди. Одатда, улар горизонтал ҳолатда жойлаштирилади ва дренаж мосламаси билан таъминланади.


Ишчи босим 1,6 МПа бўлган газ қувурларида линзали компенсаторлар ўрнатилади.

Тўлқинсимон компенсаторлар босими 6,4 МПа гача бўлган ноагressiv ва ўртacha агрессив муҳитлар узатиладиган труба қувурларида ишлатилади (10.2-расм).



**10.3 – расм. Сальникли компенсатор**

1-таянч; 2-зичловчи қистирма;  
3-қобик; 4-грундбукса; 5-труба



**10.4 – расм. Труба учун таянчлар.**

1-угольник; 2-хомут; 3-яssi  
пластина; 4-болт; 5-филдирек.

Бундай компенсатор патрубка (1) га пайвандланган гофирланган элемент (4) дан таркиб топган. Чегараловчи ҳалқа (3) элемент шишиб кетиш ва элемент деворининг эгилиш олдини олади. Элемент ташқи томони-қобик (2) ёрдамида химояланган. Компенсатор гидравлик қаршилигини камайтириш учун ички томонида стакан (5) ўрнатилади.

Чўян ва металлмас материаллардан ясалган труба қувурларида сальники компенсаторлар ўрнатилади (10.3-расм). Ушбу компенсатор таянч (1) маҳкамланган -қобиқ (3), зичловчи қистирма (2) ва грундбукса (4) дан таркиб топган. Температура деформациясини компенсация қилиш-қобиқ (3) ва труба (5) ларнинг силжиши туфайли амалга ошади.


Бу турдаги компенсаторлар жуда катта температура деформацияларини компенсация қила олади. Лекин, зичлаш қийин бўлгани учун ёнувчан, заҳарли ва суюқ газларни узатишда ишлатиб бўлмайди.

Труба қувурлари таянчларга ўрнатилади. Улар орасидаги масофа труба диаметри 250мм бўлса, таянчлар орасидаги масофа 3-6м га teng қилиб ўрнатилади.

Таянчлар қўзғалмас (10.4a-расм) ва ҳаракатчан (10.4б-расм) бўлиши мумкин. Ҳаракатчан таянчлар температура деформациясини яхши компенсация қиласи. Қўзғалмас таянчларда уголник (1), хомут (2) ва яssi пластина (3) ўзаро мустаҳкам бириктирилган. Ҳаракатчан таянчларда болт (4) ўрнига фидирлак (5) ўрнатилган. Ушбу ролик таянч пластина тешигида эркин ҳаракат қиласи. Бундай таянчларни вақти-вақти билан мойлаб туриш керак.


#### **10.4. Фланецли бирикмалар.**

Фланецлар труба қувурлари, арматура ва қурилма қобиқларини бир-бирига бирлаштирувчи, ажralувчан бирикмаларининг асосий қисмидир. Фланец диск кўринишида бўлиб, четларида айлана бўйлаб бириктирувчи болтлар учун тешиклар қилинган. Думалоқ дискларни ясаш осон бўлганлиги учун асосий фланецлар ушбу шаклли қилиб ясалади. Махсус шароитларда бошқа шаклдаги (учбурчак, тўртбурчак) фланецлар конструктив ёки технологик шароитлардан келиб чиқсан ҳоллардагина қўлланиши мумкин. Қўйма қурилмаларда фланец қурилма қобиги билан битта, яхлит қилиб тайёрланади. Пайвандланадиган қурилма ва труба қувурлари учун фланецлар штамповка ёки механик ишлов бериш йўли билан ясалади ва сўнг трубага ёки қобикка пайвандлаш усулида бириктирилади. Зарур бўлган ҳолларда трубага фланецни резьба ёрдамида ҳам улаш мумкин. Фланц конструкцияси ва материали унинг ишлаш шароити ва муҳитига боғлиқ. Шунинг учун фланецлар ГОСТ ёки нормаллар асосида шартли босим, температура ва муҳитнинг агрессивлигига қараб танланади. ГОСТ, ОСТ ёки нормалларда фланец типи, ўлчамлари ва шартли белгиланиши ҳам берилади. Масалан, нефт маҳсулотлари учун ишчи босим қанча бўлишидан қатъий назар, 1,6 МПа дан юқори босимга ҳисобланган фланецлар қўлланилади.



**10.5 - расм. Фланецлар конструкцияси.**  
**a – яssi пайвандланган; б – учма-уч пайвандланган;**

*в – пайвандланган ҳалқада эркин айланувчи.*



**10.6 - расм. Фланецлар бирлашувчи юзаларининг шакллари.**  
*а – яssi ; б – бўртиқ-ботик; в – шип-паз.*

Конструкциясига қараб фланецлар патрубка ёки қобиққа маҳкамланишига қараб фарқланади. Ўзаро фланецлар зичловчи қистирма ёрдамида бириктирилади. 10.5 - расмда фланецларни патрубкага пайвандлаш усуллари кўрсатилган.

Энг оддий – яssi пайвандланган фланецлар бўлиб, температура  $300^{\circ}\text{C}$  ва шартли босим 2,5 МПа гача бўлган шароитда ишлатилади. Учма-уч пайвандланган фланецлар исталган босим ва температурали муҳитларда кўлланиши мумкин. Ҳалқада эркин айланувчи фланецлар шартли босим 2,5 МПа гача бўлган шароитларда ишлатилади.

10.6 - расмда фланецларнинг бирлашувчи юзаларининг энг кўп кўлланиладиган шакллари кўрсатилган.

Яssi юзали, тўртбурчак кўндаланг кесимли қистирмали фланец бирикмаси шартли босим 2,5 МПадан ошмаган шароитларда ишлатилади. Ботик-бўртиқ юзали, тўртбурчак кўндаланг кесимли қистирмали фланецлар (б) эса – 4 МПа гача; шип-паз юзали, тўртбурчак ёки думалоқ кўндаланг кесимли қистирма билан зичланган фланецлар (в) эса – 6,3 МПа гача бўлган ҳолатларда кўлланилади. Агар, босим 6,3 МПа дан ортиқ бўлса, эллипс ёки саккиз бурчак кўндаланг кесим шакли метал қистирмалар ишлатилиши зарур; бундай ҳолларда фланец бирлашувчи юзаларида бир хил, фасонли ариқчалар қилинади.

Агарда, эксплуатация шартлари бўйича қистирма кўллаб бўлмаса, унда фланецлар бирлашувчи юзалари орасини зичлаш маҳсус обтюрация усулида амалга оширилади. Бунда бирлашувчи юзаларга маълум шакл ва алоҳида механик ишлов (шлифовка) берилади. Ушбу юзалар яssi, сферик ёки конуссимон бўлиши мумкин.


## 10.5. Қистирмалар турлари.

Фланецли бирикмани зичлаш учун одатда улар орасига қистирмалар ўрнатилади. Қистирма пластик, эластик, муҳитга бардошли, эксплуатация даврида мустаҳкам ва узоқ муддат хизмат қилиши керак. Қистирма материали ва тури эксплуатация шароити–босим, температура ва муҳит хоссалари асосида танланади. Қистирма ўлчами ва шакли фланецларнинг бирлашиш юзаси конфигурациясига боғлиқ.

10-1 жадвалда қурилмасозликда ишлатиладиган қистирма материаллари келтирилган.

Т/р	Материал	Параметрларнинг тавсия этиладиган чегаралари		
		D <sub>y</sub> , мм	P <sub>y</sub> , МПа	T, °C
1.	Картон, резина	≤3000	≤0,6	-300 дан +100 гача
2.	Резинали мато	≤3000	≤1,0	-30 дан +100 гача
3.	Асбестли картон	≤3000	≤1,6	+500 гача
4.	Пластикат, полиэтилен	≤3000	≤4,0	-30 дан +60 гача
5.	Паронит	≤3000	≤10,0	-200 дан +400 гача
6.	Фторопласт	≤1000	≤10,0	-200 дан +250 гача
7.	Алюминий, мис, латунь, монель, қўроғшин, никель	≤800	≤40,0	-200 дан +300 гача
8.	Углеродли, легирланган ва юқори легирланган пўлатлар	≤1600	≤20,0	-200 дан +540 гача

10.7-расмда энг кўп қўлланиладиган қистирмаларнинг қўндаланг кесимлари келтирилган. Тўғри тўртбурчак шакли қистирмалар исталган материалдан ясалиши мумкин. Думалоқлар – металлдан; эллипс ва саккиз бурчакли қўндаланг кесимли, гофриранган қистирмалар эса – пўлатлардан ясалади.



#### 10.7 - расм. Қистирмаларнинг қўндаланг кесимлари.

1 – яssi ; 2 – думалоқ; 3 – гофриранган; 4,5 – комбинациялашган

(метал қобиқли); 6 – квадрат; 7,8,9,10 – фасонли металлдан

Алюминий, мис, латунь, никель, монель қобиқли асбест, картон, яssi ва гофриранган қистирмалар жуда кўп қўлланилади ва саноатда кенг тарқалган. Одатда, улар муҳит температураси 540°C ва босим 6,3 МПа гача бўлган қурилмаларда ўрнатилади. Ундан ташқари, нометал қобиқли металдан ясалган комбинациялашган қистирмалар ҳам қўлланилади. Бундай ҳолларда қистирма қобиғи фторопласт плёнкадан қилинади, чунки у фланец бирлашувчи юзасининг ҳамма нотекисликларини тўлдириб туради.

Металл ва комбинациялашган қистирмаларни танлашда, фланец ва қистирма гальваник жуфтликни ҳосил қилмаслигини инобатга олиш керак, бўлмаса зичланувчи юзада интенсив равишда электрокимёвий коррозия бошланади.

Қистирмаларни турли муҳитларда қўллаш соҳалари 10-2 жадвалда келтирилган.

T/p	Мұхит	Чегарави й ишчи босим, МПа	Чегаравий температура, °C	Қистирма
1.	Нефт (хом-ашё) ва нефт маҳсулотлари	1,0	40	Мойланган картон
		5,0	450	Паронит
		10,0	300	Гофриланган алюминий қобиқли асбест
		6,4-40,0	550	0X18H9 ёки X18H9T пүлатли эллипс күндаланг кесимли ҳалқасимон қистирма
2.	Агрессив бүғ ва газлар	0,6	300	Асбестли картон
		2,5	300	Паронит
		15,0	450	Гофриланган 0X18H9 ёки X18H9T пүлат қобиқли асбест
		6,4-40,0	550	0X18H9 ёки X18H9T пүлатдан эллипс күндаланг кесимли ҳалқасимон қистирма
3.	Хаво ва нейтрал газ	0,3	30	Резина
		10,0	300	Гофриланган алюминий қобиқли асбест
		6,4-40,0	550	0X18H9 ёки X18H9T пүлатдан эллипс күндаланг кесимли ҳалқасимон қистирма
4.	Сув буғи (түйинган ва ўта қизиган)	0,4	150	Графитланган асбестли картон
		5,0	450	Паронит
		6,4-40,0	550	0X18H9 ёки X18H9T пүлатдан эллипс күндаланг кесимли ҳалқасимон қистирма
5.	Концентранган $H_2SO_4$ (40% гача)	0,3	65	Резина
		0,6	50	C2 турдаги күрғошин
		0,6	100	Кислота бардош асбестли картон
6.	Аммиак ва ишқор эритмалари	0,15	400	Графитланган асбестли картон
		4,0	300	Паронит
		6,4-40	550	Армко темирдан, эллипс күндаланг кесимли ҳалқасимон қистирма

## 10.6. Маҳкамлаш деталлари.

Труба қувурларининг фланецлари болт ёки шпилькалар ёрдамида бирлаштирилади. Маҳкамлаш деталлари эксплуатацион параметр (температура,

босим) лар норматив материалларда келтирилган тавсиялар асосида танланади. Температура 300°C ва босим 2,5 МПа гача бўлган ҳолларда болтлар қўлланилади. Агарда, босим 2,5 МПа дан кўп бўлганда (исталган температурада) ва температура 300°C дан ортиқ бўлганда (исталган босимда) фланецлар резьвали шпилькалар ёрдамида бирлаштирилади. Маҳкамловчи детал ва шайбалар материали труба қувурининг ишлаш шароитига боғлиқ. Температура 300°C ва босим 2,5 МПа гача бўлганда Ст.4 ва Ст.5 лар, юқори температураларда эса – Ст.35, 40, 30ХМА, 25Х2МФА, 4Х14Н14В2М ва бошқа металлар қўлланилади. Фланецларни ҳамма маҳкамловчи деталлари учун ГОСТ ва нормаллар мавжуд ва уларда уларнинг ўлчамлари келтирилган.

**Болт ва шпилькаларни ҳисоблаш.** Фланецли бирикмалар учун болт (шпилька)лар ва гайкалар нормаллашган ва стандартлашган бўлиши керак. Фланецли бирикма лойиҳаланаётганда қўйидаги тавсияларни инобатга олиш керак: болт (шпилька) диаметри имкон доирасида кичик бўлиши керак, лекин 10 мм дан кам бўлмаслиги даркор; болтлар орасидаги масофа  $(2,5-5)\cdot d_b$  бўлиши керак; болтлар иложи борича зичланиш юзасига яқин бўлиши мақсадга мувофиқ.. Болт узунлиги фланецли бирикма йиғилгандан сўнг, яъни гайка қўйилиб, тортилгандан сўнг гайка устидан яна  $(2,5-5)\cdot d_b$  масофага чиқиб туриши керак.

Муҳит босими остидаги фланецли бирикма болтига тушаётган юклама қўйидаги формуладан топилади:

$$Q_\delta = \frac{\pi}{4} (D_\delta + \frac{2}{3} b)^2 \cdot P + \pi \cdot D_c \cdot b_0 \cdot m \cdot P \quad (10.3)$$

бу ерда  $Q_\delta$ - болтларга тушаётган умумий юклама;  $D_\delta$ -қистирма ички диаметри;  $b$  – қистирма қалинлиги;  $P$  – муҳит ишчи босими;  $D_c$ -қистирма ўртача диаметри ( $D_c = D_\delta + b$ );  $b_0$  – қистирманинг ҳисобий қалинлиги, унинг конструкциясига қараб аниқланади; ясси қистирмалар учун  $b < 0,012\text{m}$  бўлганда  $b_0 = b$ ;  $b > 0,012\text{m}$  бўлганда  $b_0 = \sqrt{b}$ ; эллипс шаклидаги қистирмалар учун  $b_0 = b/4$ ;  $m$  – қистирмага таъсир этаётган солиштирма босим коэффициенти; ясси асбест ёки асбест композицияли қистирмалар учун  $m=2,5$ ; гофриранган метал қобиқли асбест қистирма учун  $m=3$ ; алюминий қистирма учун  $m=4$ ; юмшоқ пўлат қистирма учун  $m=5,5$ .

Муҳит босими остида бўлмаган, лекин фланецли бирикмани ишончли зичланишини таъминловчи болтларга тушаётган юклама миқдори қўйидаги формуладан аниқланади:

$$Q_\delta' = \pi \cdot D_c \cdot b_0 \cdot q_{np} / 2 \quad (10.4)$$

бу ерда  $q_{np}$  – қистирма юзасига тушаётган босим; ясси асбест ёки асбест композицияли қистирма учун  $q_{np} = 30$ ; гофриранган метал қобиқли асбест қистирма учун  $q_{np} = 40$ ; алюминий қистирма учун  $q_{np} = 70$ ; юмшоқ пўлат қистирма учун  $q_{np} = 125$ .

Q'6 ва  $Q_\delta$  юкламаларидан энг каттаси ҳисоблашлар учун олинади. Тўртга каррали (4,8,12,16 ва x.) болтлар сонини танлаб, битта болтга тушаётган юклама (МН) аниқланади:

$$q_\delta = \frac{Q_\delta}{n_\delta} \quad \text{ёки} \quad q_\delta' = \frac{Q_\delta'}{n_\delta} \quad (10.5)$$

Болт ёки шпилька резьбасининг ички диаметри  $d_1$  ушбу тенгламадан топилади:

$$q_{\delta} = \pi(d_1 - C_1)^2 \cdot \sigma_{\text{don}} / 4 \quad (10.6)$$

бу ерда  $C_1$  – конструктив құшымча,  $C_1=0,001\dots0,002$ ;  $[\sigma]$  – түрт-беш каррали мустақамлик зақирада руҳсат этилган күчланиш.

Болт ёки шпилька диаметри ГОСТ түғри келиши керак. Шунинг учун, болт диаметрини (10.6) формуладан аниклангандан сүнг,  $q'$  бөлігінде топилади. Болттарға тушаётгандың максимал қылама ушбу формуладан ҳисоблаң топилади:

$$Q_{\max} = n \cdot q' \quad (10.7)$$


Фланец параметрлари (диск қалинлиғи, пайвандлаш чоклари) ҳисобий қылама  $Q_p$  га нисбатан аникланади:

$$Q_p = (Q_{\max} + Q_{\delta \min}) / 2 \quad (10.8)$$

бу ерда  $Q_{p\max}$  – (10.5) ва (10.6) формулалар ёрдамида ҳисобланған күчлаништарни энг каттаси.

#### 10.4. Арматураларни таъмирлаш.

Технологик труба қувурлар ва алохиди системасидаги кимё ва нефтни қайта ишләш заводларыда құлланиладиган барча арматура эксплуатация жараёнида системада носозликлар бор-йүқлигидан ёки ишончли ишлаб турганидан қаттың назар мунтазам равищда тафтиш қилиб турилиши шарт. Күпгина вентиллар ёки сурима қопқоқлар таъмирлашлараро үтилған масофада бир хил ҳолатда бўлади (очиқ ёки ёпиқ), шунинг учун ҳар гал арматурани таъмирланғанда, арматура маҳовик эркин айланғунга қадар, шпиндел эса беркитиш органи билан чиқибтушиб тургунга қадар арматурани «номос» фарқланған тарзда ушлаш керак.



**10.24-расм. Арматурани таъмирлаш учун стенд.**

1-станица; 2-пневматика билин бошқариладиган кран; 3-пневмоцилиндр; 4-призма; 5-сүриледиган қопқоқ; 6-ричаг; 7-ричаг винти; 8-эшикчалар.

Тафтиш қалинлигидан арматура, агар бунга зарурат бўлмаса, труба қувурлардан ечилемайди. Энг аввал сурима қопқоқларни, ветилларни, кранларни очилиши ва ёпилиши текширилади. Сүнгра қопқоқни қисмларга ажратилади, маҳовикни шток (шпиндел) ва беркитиш органи (пона, плашка, клапан ёки тиқин) билан бирга суғириб олинади ва зичлагич юзаларнинг ҳолати текширилади. Агар, текширилаётгандың арматурани эксплуатация қилиш вақтида сизиб чиқишилмаса, кўз билан кўриб деталларни текширишнинг ўзи кифоя ва уни яна йиғилади. Зарурат тугилған ҳолларда салникли зичлагичлар уриб қоқилади ёки корпус ва қопқоқ орасидаги қистирмалар алмаштирилади. Бундай зичламалар учун салникни зичлаш одатдагидек. Уни тортиб боғлаш вақтида шток қадалиб

қолмаслиги керак, салниңда эса эксплуатация жараёнида тортиш учун етарли даражада қалин қатламли зичлама қолиши керак. Салник охиригача тортилиши труба қувурни нормал режимга чиқариш чамасига қараб амалга оширилади.

Таъмирлаш талаб этилаётган арматура демонтаж қилинади, юилади ва йиғилган ҳолда махсус контейнер-яшикларда устахонага жўнатилади. Ҳар бир таъмирлаш цехида ёки таъмирлаш устахонасида фақатгина арматурани таъмирлаш ва тафтиш қилиш учун мўлжалланган махсус участкалар бўлиши мақсадга мувофиқ. Бундай участкалар таъмирлаш операцияларини механизация қилишга имкон берадиган зарур мослама ва ускуналар билан жиҳозланиши шарт.

Масалан: участкаларда йифиш ва қисмларга ажратиш учун стендлар, токарлик ишлов бериш учун мосламалар ва зичлагич юзаларни ишқалаш учун мосламалар, синовлар ва ростлашлар учун стендлар бўлиши керак.

Таъмирланадиган арматуралар сони жуда кўп, уни таъмирлаш анчагина меҳнат сарфини талаб қиласди. Технологик обьектларни лойиҳавий таъмирлаш учун ажратиладиган вақт, демонтаж қилиш, таъмирлаш ва арматурани монтаж қилишга ҳар доим ҳам етавермайди. Шунинг учун ҳар бир участкасида озгина таъмирлаб бўлинган арматура фонди бўлиши керак, бу фонд таъмирлашга чиқарилган арматура ўрнига берилади. Ишнинг бундай қўйилиши таъмирлаш участкасини аввалдан тузилган иш плани асосида таъмирлаш участкасини бир текис юклантиришга имкон яратади.

Таъмирлаш участкасида тезда маҳкамлаб қўйишга мослаштирилган махсус стендларда таъмирланадиган арматура қисмларга ажратилади ва кўрикдан ўтказиш ва ўлчаш йўли билан нуқсонлари аниқланади. Қисмларга ажратиш маълум бир кетма-кетлиқда амалга оширилади: аввал маҳовикни чиқариб олинади (штурвал), сўнг қопқоқни қисмларга ажратилади, штокни беркитувчи орган чиқариб олинади. Ажратилган деталлар керосинда юилади ва қуп-қуруқ қилиб артилади.

Арматура қобиги кўз билан чамалаб кўриб чиқилади, кўпроқ едирилган участкаларда деворнинг қолдиқ қалинлиги белгиланади ва паспорт кўрсаткичлари билан таққосланади. Етиб бориш қийин бўлган ички юзаларни кўрикдан ўтказишида ойнадан ёки бир вақтнинг ўзида лампа билан ёритиладиган ойналар системасидан фойдаланилади. Пўлат қобиқнинг деворлари ўлчамларини суюлтириб қоплаш орқали қайта тикланади (бир қатор ҳолатларда едирилишга чидамли қотишмалар билан; дарзларни тегишли чокни қайта ишлангандан сўнг пайвандланади). Аммо, қобиқларни бундай қайта тиклаш фақатгина портлашга ҳавфли бўлмаган, ёнғинга ҳавфли бўлмаган ва заҳарли бўлмаган муҳитларда босим 1,0 МПа ва температура 200°C гача бўлганда транспортировка қилинадиган трубапроводлар рухсат этилади. Қобиқ фланецларининг ётиш юзалари емирилганда, улар тозаланади, суюлтириб қопланади ва токарлик дастгоҳида қайта ишланади. Резьбаларда труба қувурлар билан бириктириладиган қобиқлар (муфтали арматура) резьбанинг ишончлигига текширилади; резьбанинг емирилиш сабабига қараб қобиқларни яроқсизга чиқарилади.

Баъзи труба қувурларда фланец ва резьбаларсиз суриладиган қопқоқлар фақат пайвандлаш орқали қўйилади. Бундай суриладиган қопқоқларнинг қобиқлари тортиб олинаётган муҳитга етарлича чидамли бўлиши керак ва узок муддат давомида едирилишига чидамликни таъминлаши зарур. Бундай

қобиқларни механик қайта ишлаш зичлагич юзаларни демонтаж қилмасдан туриб ишқалаш билан чиқарилади. Акс ҳолда қобиқларни труба қувурдан газ оловли кесиш орқали ажратилади, бу эса қийин масаладир. Таъмирлашдан сўнг уларнинг туташувларини пайвандлаш орқали қайта ишланади, буни шундай бажариладики, улар қийшаймаслиги керак. Чўяндан ишланган сурilmа қопқоқлар корпуслари едирилганда таъмирланмайди; уларни янгисига алмаштирилади.

Арматура шпинделни (шток) ҳам муҳит таъсирида едирилади. Бундан ташқари, агар зичлашувчи муҳит таркибида абразив аралашмалар бўлса, унинг сальникдаги участкаси юзаси ишқаланиш орқали едирилади. Бу юзаларни суюлтириб қоплаш ва токарлик дастгоҳида айланасига йўниш орқали қайта тиклаш осон бўлади. Штокнинг пастки участкаларнинг едирилиши эса, жуда ҳавфли (эксплуатация жараёнида беркитувчи поналар штоклардан узилиб тушиши мумкин), шунинг учун бундай ҳолатларда штокни буткул янгисига алмаштирилади. Салник участкасидаги янги ва қайта тикланган шпинделларни шлифовка қилинади. Едирилмаган штокларнинг юзаларига ёпишиб қолган юмшоқ тиқин бўлакларини буткул йўқотиши учун керосин билан ювилади. Шу мақсадда юзалар ДОИ пастаси билан ишқаланади ёки мойда суюлтирилган шлифловчи куқун билан сайқалланади ва ушбу жараен токарлик дастгоҳида амалга оширилади.

Шпиндель билан биргаликда винт жуфтлигини ташкил қилган кўчма втулка винтигининг едирилиши ва қобиқ қопқоғи каллагидаги люфтнинг ўтириб қолишига текширилади. Резьбанинг кучли едирилиши ва катта люфтнинг бўлишлиги арматуранинг аварияли ишдан чиқишига сабаб бўлиши мумкин, шунинг учун бундай чайкаларни алмаштириш зарур.

Кўчма втулка (маховик втулкаси) таянчи юмаловчи подшипниклари билан жиҳозланган ҳолларда (асосан катта диаметрли сурilmа қопқоқларда ва механизацияланган юритмаларда) подшипникларнинг қопқоқларини қисмларга ажратилади, қоплама қилинадиган каллакларни бураб олинади, подшипник чиқариб олинади. Ювилгандан сўнг, ҳолатларни текширилгандан сўнг ва ишқаланаётган юзаларни мойлангандан сўнг, бирикмани қисмларга ажратишга қарама-қарши тартибда йиғилади.

Маховикнинг маҳкамланган втулкасини маҳкамлаш ишончлилиги ҳам текширилади, синган чайкаларни янгисига алмаштирилади.

**Мухофазаловчи клапанларни таъмирлаш.** Мухофазаловчи клапанларни таъмирлашнинг алоҳида хусусиятлари - пружиналарни яхшилаб текширишdir. Уларни қисмларга ажратилгандан сўнг, керосин билан ювилади ва кўрикдан ўтказилади. Юзаларида чукурчалари, чизиклари ва букланган жойлари бор бўлган пружиналарни яроқсизга чиқарилади.

Пружина ўқи перпендикулярлиги таянч текисликларидан четлаш унинг баландлиги 0,01 дан кўп бўлиши керак. Пружинада қолдиқ деформация бўлмаслиги керак; текшириш вақтида уларни уч қайта статик кучланиш билан сиқилади.

Ҳар бир мухофазалагич клапанни таъмирлаш вақтида ушбу клапан конструкцияси учун тузилган йўриқномага амал қилинади. Мухофазаловчи клапанлар ростланади ва ҳаво ёрдамида маҳсус стенкларда синовдан ўтказилади.

Агар, берилган босимда клапан очилса, босим камайганда улар пақиллаб ёпилса, клапан ростланган ҳисобланади.

Таъмирашдан сўнг арматурани мустаҳкамлиги ва зичлиги зичлаб синалади.

## **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**QARSHI MUHANDISLIK – IQTISODIYOT INSTITUTI**

**«NEFT VA GAZ» FAKULTETI**

**“Texnologik mashinalar va jihozlar” kafedrasi**

**70720708 – “Neft-gaz sanoati mashinalari va jihozlari” magistratura  
mutaxassisligi talabalari uchun**

**NEFT-GAZ SANOATI MASHINA VA JIHOZLARINI TA`MIRLASH**

**F A N I D A N**

**AMALIY MASHG~ULOTLAR UCHUN**

# **USLUBIY KO`RSATMALAR**

## **Qarshi - 2023**

Ushbu ko`rsatma 70720708 – “Neft-gaz sanoati mashinalari va jihozlari” magistratura mutaxassisligi o`quv rejasi va fanning namunaviy dasturiga, hamda ma`ruzlar matnlari asoslarida neft va gaz sanoatida qo’llaniladigan mashina va jihozlarni ta’mirlash texnologiyalari bo‘yicha mutaxassislikga tegishli maxsus adabiyotlar, davriy nashrlar, hamda internet ma`lumotlari asoslarida tuzilgan.

**Tuzuvchi:**

**X.K.Eshkabilov** - “Texnologik mashinalar va jihozlar”  
kafedrasi prof. v.b., t.f.n.

Uslubiy ko`rsatma Qarshi muhandislik-iqtisodiyot institutining “Texnologik mashinalar va jihozlar” kafedrasining 2023-yil “\_\_\_” \_\_\_\_ dagi \_\_\_ -sonli yig‘ilishida, “Neft va gaz” fakulteti Uslubiy Komissiyasining 2023-yil “\_\_\_” \_\_\_\_ dagi \_\_\_ -sonli yig‘ilishida muhokama qilingan va institut Uslubiy Kengashining 2023-yil “\_\_\_” \_\_\_\_ dagi \_\_\_ -sonli yig‘ilishi qarori bilan o‘quv jarayonida foydalanishga tavsiya etilgan.

**O‘quv-uslubiy boshqarma boshlig‘i**

**A.R.Mallayev**

**Fakulteti Uslubiy komissiyasi raisi**

**F.I.Murtazayev**

**Kafedra mudiri:**

**F.E.Buronov**

## **Kirish**

Hozirgi kunda Respublikamiz neft va gaz sanoatiga chet el investisiyalarining kirib kelishi korxonalarning ishlab chiqarish sharoitlarining o‘zgarishi bozorga raqobatbardosh mahsulotlarni ishlab chiqarishni talab qiladi. Sanoat korxonalari oldida turgan asosiy vazifalar quydagilardan iborat: uskunalarini zamonaviylashtirish, yuqori sifatli, chiroyli kiyimlarni ishlab chiqarish hajmini ko`paytirish, tezda moslashuvchan yangi oqim liniyalarini qurish, tikuvchilik tarmog`ini jadal rivojlantirish hisobiga ishlab chiqarish samaradorligini oshirishdir.

Bu vazifalarni muvaffaqiyatli bajarish uchun korxonalarni qayta qurish, ishlab chiqarishni kompleks mexanizatsiyalashtirish va avtomatlashtirish, texnologiyani takomillashtirish talab qilinadi.

Korxonalar tarkibiga uning normal faoliyatini ta’minlab turuvchi sexlar va uchastkalar ham kiradi, vaholangki ular xom-ashyoni qayta ishlash va tayyor mahsulot olish jarayonida bevosita ishtirok etmaydi. Ularga tovar, xom-ashyo va transport sexlari, elektrotexnik va issiqlik texnikasi uchastkalari, ta’mirlash va boshqa yordamchi bo‘limlar kiradi. Bunday sexlar, uchastkalar va bo‘limlarning ishi ham umumiy va maxsus tayinlangan turli xildagi uskunalarini ekspluatatsiya qilishga asoslangandir.

Ta’mirlash ishlarini to‘g‘ri tashkil qilishning asosi – ularni ta’mirlash qism va detallarning o‘zaro o‘rin almashishi, unifikatsiyasi va turkumlashning ilg‘or

ko‘rinishidagi texnologiyalarini qo‘llash negizida maksimal industrlashtirish yo‘nalishi hisoblanadi.

Ta’mirlash tizimini takomillashtirish va ishchi-ta’mirlovchilarning ishlab chiqarishi unumdorligini ko‘tarish uchun zahira – yirik korxona, kombinat, hatto territoriya jihatdan bir-biriga yaqin joylashgan bir necha zavod va kombinatlar ta’mirlash ishlarini markazlashtirish hisoblanadi.

Ta`mirlash ishlarining qaysi uslubini tanlash korxonaning ishlab chiqarish quvvatiga, jihozning murakkabligiga, korxonaning ta`mirlash uskunalari va qurilmalari bilan ta`minlanganligiga, ta`mirlash ishchilari shtatiga hamda ular malakasiga bog`liq holda korxona bosh muhandisi va bosh mexanigi tomonidan bajariladi.

## **1 – Amaliy mashg`ulot.. Mehnat sarfining ta’mir turlari bo‘yicha taqsimlanishini o‘rganish**

Нефть ва газ саноати машина ва жиҳозларига техник хизмат қўрсатиш ва таъмирлаш хизмати барча ускуна ва тизимларга кенг камровли режалаштирилган дастурни бажаришдан иборат. ТХК ва РОТ дастури куйидагилардан ташкил топади:

- хар бир бирлик ва тизимга техник хизмат қўрсатиш усули;

- техник паспортлар ва ясовчи завод ва хорижий етказиб берувчи фирмалар кўлланмалари;

- техник хизмат қўрсатишнинг айrim тадбирларини бажаришга оид тармок кўлланмалари, нордон газ билан ишлашда хавфсизлик талабларини таъминлаш бўйича махсус талаблар.

17. НГ^Кда ТХК ва РОТ тизимларини умумий йўлга қўйилиши мазкур Низом талабларига жавоб бериши керак.

18. ТХК ва РОТ тизимини умумий йўлга қўйиш бўйича жавобгарлик НГКК Бош механиги зиммасига юкланди.

19. Махсус таъмирлаш ташкилотлари томонидан бажариладиган таъмирлаш ишларини бажариш муддатлари, хажми ва сифати бўйича жавобгарлик иш бажарувчilar ва ишлатувчи ходимлар зиммасига юкланди.

20. Ясовчи-завод техник шартлари, ускуналар иш тартиби ва техник холати назорати натижаларига асосан, ишлатиш журналлари, хамда НГ^К Бош механиги хизмати бўлимлари томонидан бажарилган махсус назорат натижалари бўйича техник хизмат қўрсатиш ва режали огохлантирувчи таъмирлаш жадвали тузилади (З-Илова) ва Бош мухандис томонидан тасдикланади.

21. ТХК ва РОТ жадвалининг йиллик режаси, НГКК да ускуналарни таъмирлаш ишлари хажмини аникловчи асосий хужжат бўлиб, эхтиёт кисмлар, материаллар,

ускуна, асбоб, ишчи кучи, техника ва моддий таъминотга бўлган эхтиёжни анилашга асос бўлади.

22. Асосий технологик ускунани таъмирлаш жадвалини тузишда, ўлчов ва автоматлаштириш воситаларини таъмирлашга ва саклашга сарфланадиган вакт, хамда ускунани комплекс ишлатиб текшириш назарда тутилиши зарур.

23. ТХК ва РОТ жадвали асосида ГДТ<sup>^</sup> ёки ГКТ<sup>^</sup> катта механизми ускунани таъмирлаш учун бир ой давомида тўхтатиш жадвалини тузиб, у корхона ва ташкилотлар Бош механизми билан келишилари ва корхона (ташкилот) Бош мухандиси томонидан тасдикланади.

24. Ускуналарни модернизация килиш, рационализаторлик таклифлари, ускунанинг кафолатли ишлашини оширишга доир тадбирларни жорий этиш бўйича ишларнинг асосий хажмига кўшимча бўлиб, режали таъмирлаш билан биргаликда амалга оширилади.

25. Таъмирни режалаштириш газ казибчикариш режаси билан келиштирилган бўлиши керак.

26. Фавқулодда холатларда, корхона (ташкилот) Бош мухандиси томонидан тайинланган комиссия, ускунанинг техник холатини текшириб чикдандан сўнгина таъмирлаш режа-жадвалидан четланиши мумкин. Таъмирлаш режа-жадвали ўзгартирилган холатда, ишлатувчи ташкилот камидаги бир ой олдин таъмирловчи ташкилотни бу хакида огохлантириши зарур.

27. Таъмирлаш ишини бажариш учун нуксонлар кайдномаси (6-илова) асосий техник хужжат хисобланади.

28. Нуксонлар кайдномасига асосан, корхона Бош мухандиси томонидан тузилган комиссия ускунанинг хакикий холати у ёки бу таъмир турига мослиги хакида хулоса беради.

29. Корхона (ташкилот) бошлиги томонидан тасдикланган капитал таъмирлаш ва кайта куриш сметаси ишлар бошланишидан 60 кун олдин иш бажарувчига тақдим этилади.

Капитал (ўрта) таъмирлашга маблаг ажратилиши, ишларни бошлашдан камидаги 45 кун олдин бажарилиши лозим. Ускунани таъмирлашга тўхтатишдан 45 кун аввал эса, иш бажарувчига буюртма берилади.

Уч нусхада тузилган буюртмага нуксонлар кайдномаси, хавфсизлик техникаси бўйича ишлаб чикилган тадбирлар билан биргаликда монтаж ва таъмир-курилиш ишлари ташкиллаштирилиши ва технологияси лойихаси илова килинади.

30. Жорий таъмирлашда, корхона (ташкилот) Бош мухандиси томонидан тасдикланган нуксонлар кайдномаси, ишларни бошлашдан камидаги 10 кун аввал иш бажарувчига тавдим этилади.

31. Технологик ускунанинг барча таъмирлаш тури хажмларининг режалаштирилиши, таъмирлаш жараёнларининг меҳнатталаблилиги (трудоёмкость)га оид маълумотлар асосида амалга оширилади.

32. Таъмирлаш жараёнларининг меҳнатталаблилиги ускуна таъмири

муракаблик тоифасига боглик бўлиб, куйидагича аникланади:

курилманинг муракаблиги, детал ёки узелларнинг огирилиги, таъмирга яроклилигини инобатга олиб, ускунани йигиш териш шартлари;

ускунанинг ишлаш шартлари билан жорий, ўрта, капитал меҳнатталаблилиги бир хил бўлмаганлиги сабабли, хар бир

таъмир тури учун мураккаблик тоифаси тузатиш коэффициенти  $K_0$  кабул килинади.

Таъмирлашдаги  $K_0$  коэффициентининг киймати: Капитал -  $K_0 = 1,0$ ;  
Ўрта -  $K_0 = 0,7$ ; Жорий -  $K_0 = 0,5$ .

33. Беркитиш арматураси ва кувурўтказгичларнинг таъмирлаш мураккаблик тоифаси, бўлган шартли равища 10 одам соатга тенг деб кабул килинган таъмирлаш мураккаблик бирлиги асосида баҳоланади.

Мураккаблик бирлигига ифодаланган, беркитиш арматураси таъмирига сарф-харажат меъёрлари 5 - жадвалда келтирилган.

34. Мураккаблик категорияси, вакт меъёрига ўхшаш йўл билан, мунтазам равища кайта кўриб чиилади ва ускунани таъмирлаш технологиясини ташкил этишни камайтириш тарафига тўтриланади.

#### 1-жадвал

#### Мехнат сарфининг таъмир турлари бўйича тақсимланиши

Таъмир тури	Ускуна номи	Мехнат сарфини иш турлари бўйича тақсимланиши, %			
		Чилангарлик	Пайвандлаш	Дастгохлик	Бошқа ишлар
Капитал таъмирлаш	1. Аппаратлар	45	15	5	35
	2. Машина ускуналари	60	2	30	8,0
	3. Сигимлар	45	15	5	35
	4. Арматура	55	0,4	34,6	10
	5. Кувурлар	30	60	1	9
Ўрта	1. Аппаратлар	60	16	3	21
	2. Машина ускуналари	80	0,5	19,5	10
	3. Сигимлар	85	5	0,5	9,5
	4. Арматура	80	0,5	9,5	10
	5. Кувурлар	80	5	0,5	14,5

Изоҳ: “Бошқа ишлар” бўлимига такелаж, изоляциялаш ва бошқа ишлар киради.

35. Ишлатишни нормал шароитлари технологик тартиб регламентга мослиги ва газ оқими таркибида водородсулфид ( $H_2S$ ) кўпине билан  $20 \text{ mg/m}^3$  ва карбонат ангидрид гази ( $CO_2$ ) кўпине билан  $0,45\%$  бўлиши назарда тутилади.

## АМАЛИЙ МАШГУЛОТ №2.

### **КУРИЛМАЛАРНИНГ ЕМИРИЛИШИ.**

#### **Ажратилган соат-4 соат.**

Ускуналарнинг пухталигининг пасайиши ва узоқ муддатга чидамлилигининг камайиши физик ва маънавий едирилиш натижасида уларнинг ҳолатларини ёмонлашиши билан боғлиқ..

**Физик емирилиш** деганда детал ва қисмлар шакли ва ўлчамлари яхлитлигининг ўзгариши тушунилади. Буни кўз билан чамалаб ёки ўлчаб кўриш ва таҳлил қилиш билан аниқланади.

Физик емирилишнинг қўйидаги турлари мавжуд: механик, коррозион ва иссиқлик турлари. Баъзи бир ҳолларда улар алоҳида-алоҳида содир бўлади, лекин кимё ва нефтни қайта ишлаш саноатларида қўпинча уларнинг биргаликдаги юзага келиш ҳолатларига дуч келинади. Турли емирилишнинг механизмлари, улардан келиб чиқадиган асоратлар, уларни аниқлаш, огоҳлантириш ва олдини олиш турличадир. Шунинг учун ҳар бир физик емирилишини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.


Ускуналарнинг йиллар ўтиб эскириши, маънавий эскириши уларнинг техник ва конструктив кўрсаткичларининг орқада қолиш даражасига қараб аниқланади. Маънавий едирилиш белгилари бўлиб, масалан, паст унумдорлик, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, фойдали иш коэффициенти, қуи пухталик ва ҳоказолар ҳисобланади.

**Механик емирилиш.** Механик емирилиш – синиш, юзаларнинг эскириши ва кўрилаётган деталнинг механик хусусиятлари қўринишида ифодаланади.

**Толиқищдан емирилиш** - узоқ муддат давомида ўзгарувчан юкламалар бериладиган детал ёки бир неча деталларнинг детал материали мустаҳкамлиги чегараларидан бирмунча кичик кучланишлар вақтида синиш ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолларда ўзгарувчан кучланишлар деганда, ўлчамлари ёки йўналиши бўйича такрор-такрор ўзгариб турадиган кучлар таъсирида юзага келадиган юкламалар тушунилади. Ўлчамлари мустаҳкамлик чегараларидан кичик бўлган деталларнинг кучланиши остида қисман ёки буткул бузилиши толиқищдан емирилиш дейилади.

**Коррозион емирилиш** – кимё ва нефтни қайта ишлаш заводлари ускуна емирилишининг кўп тарқалган қўринишидир. Унинг олдини олиш ёки камайтириш эксплуатация шароитида ускуналар ҳолатини стабил ушлаб туришга имкон беради.

Коррозия деганда – кимёвий ва электрокимёвий жараёнлар бўлиб ўтгандан кейин металл юзасида пайдо бўладиган бузилишлар тушунилади. Бу жараёнларнинг моҳияти ва улардан кейинги натижалар металлнинг муҳит билан ўзаро таъсиридан аниқланади. Коррозияни металларни турли кислоталарда маҳсус эритищдан фарқлай билиш қерак (технологик жараённинг бир қисми).



**1-расм. Коррозион емирилишнинг шакллари ва характеристи.**

а-бир текис сидирға, б-нотекис сидирға, в-жойдаги, г-ярали, д-нуқтали,  
е-кристаллараро, ж-транскристалликтиқ, з-таркибий танланган.

Коррозия сидирға, жойдаги, кристаллараро ва селектив турларда бўлади (1-расм).

Сидирға коррозияда детал юзаси (қисм, курилмалар) нисбатан бир текис едирилади. Бир текислилик даражасига қўра бир текис сидирға (1 $a$ -расм) ва нотекис сидирға (1 $b$ -расм) коррозияларга бўлинади. Бир текис коррозия туз ва кислоталарнинг кучсиз кислотали эритмаларидан содир бўлади, шунингдек, муҳитнинг детал юзаси билан контакти уюрмасиз бўлган ҳолларда содир бўлади.

### **Берилган вазифалар намунаси.**

1. Турт жуфт ишкаланиш деталларини ажратишда зазорнинг (тешикнинг) узгариши 1-жадвалда келтирилган. Ушбу жадвалдан фойдаланиб, едирилишнинг тенгламасини келтириб чиқариш керак.

**Жадвал -1**

Ишкаланиш жуфтларининг тартиб ракамлари	Турли вакт оралигида ( $\tau$ , соатда) деталларни ажратишда зазорнинг (тешикнинг) киймати, (мкм да)				
	500	1000	1500	2000	2500
1	40	50	70	100	120
2	50	50	70	110	130
3	50	60	70	110	120
4	70	90	100	120	130
$\delta_{up}$ , мкм	52,5	62,5	77,5	110	125

2. Бирикмадаги максимал рухсат этилган зазор  $\delta=200$  мкм ни ташкил килади. Бошлангич зазор  $\delta_0=10$  мкм. Биринчи деталнинг емирилиш тезлиги  $v_1=20$  мкм/ой, иккинчи деталнинг емирилиш тезлиги  $v_2=5$  мкм/ой. Иккита захира детал булган ҳолда, факат биринчи детал алмаштирилса, йигиш бирлигининг хизмат килиш вактини аниклансин.

3. 2-масаланинг шартлари буйича бита детални алмаштирилганда мумкин булган таъмирлашлар сонини хисоблаб топилсин.

4. Кейинги таъмирлашгача (3 ой) ишлаш давомийлигини таъминлаб берувчи мумкин булган ажратиш зазори  $\delta_0$  аниклансин. Максимал мумкин булган эксплуатацион зазор  $\delta=100$  мкм. Емирилиш тенгламаси ( $d\delta/d\tau$  мкм/соат да):  $d\delta/d\tau=A+B\delta=0,02+10^{-4}\delta$

## АМАЛИЙ МАШГУЛОТ №3.

### **ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМ ВА КУРИЛМАЛарНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ.**

#### **Ажратилган соат-4соат.**

Барча қурилиш-таъмирлаш ишларини тутатилгандан сўнг, ишни бажарувчилар объектни буюртмачига топширишга тайёрлашади. Ускуналар эксплуатацияга синовдан ўтган ва нормал ишлашга тайёр ҳолда киритилиши керак.

Ускуналарни топширишдан аввал уларда юксиз ҳолатда синов ўтказилади – сифим ва ускуналар зичланади, машина ва механизмлар аввал юксиз ҳолатда, сўнгра эса юклangan ҳолатда текширилади. Синаш режими (босим, юклама, давомийлик), камчиликларни аниқлаш усуллари ва уларни бартараф қилиш ҳар қайси ускуна учун унинг паспортида ёки ишчи чизмаларда ва технологик карталарда кўрсатилган.

Белгиланган камчиликларни тўғрилангандан кейин буюртмачи иштирокида, назорат синовлари ўтказилади ва ускунанинг комплекс текширишга тайёрлигини ифодаловчи белгиланган шаклдаги топшириш далолатномаси тузилади. Объектни комплекс текшириш буюртмачи томонидан амалга оширилади. Пурратчилар ушбу текширувда белгилангани каби, объектни нормал эксплуатацион режимга чиқариш даврида ҳам алоҳида камчиликларни аниқлашади. Ўзбекистон Республикаси «Саноат ва тоғ конларидағи ишларини ҳавфсиз олиб борилишини бошқариш назорат агентлиги»га қарашли бўлган ускуналарни (0,07 МПа дан юқори қўшимча босимда ишлайдиган жиҳозлар, кранлар, лифтлар ва ҳоказолар)ни эксплуатацияга қўйиш фақатгина Ўзбекистон Республикаси «Саноат ва тоғ конларидағи ишларини ҳавфсиз олиб борилишини бошқариш назорат агентлиги»да расмийлаштирилгандан кейингина амалга оширилади.

#### **Берилган вазифалар намунаси.**

**1.** Зичлаштирилаётган суюкликнинг босими ошган ҳолда манжетли зичлаштириш учун вал билан манжетанинг контакт юзасининг узунлиги 1 ортади (1-расм). Бу билан бөглик ҳолда манжетанинг емирилиш тезлиги ортади. 2-расмда улчамлари  $7 \times 80 \times 140$  булган нитрил каучук асосли резинадан тайёрланган манжетанинг ҳар хил сирпаниш тезликларида ү массавий емирилиши графиги берилган. Мухит босимининг 0,2 дан 0,3 МПа гача ортишининг хисобига машинанинг форсировкали режимда ишлашида манжетанинг чидамлилиги неча маротаба камайишини хисоблаб топилсин.

**2.** Махсулотнинг бузилишигача уртacha ишлаш давомийлигига teng булган даврда махсулотнинг бузилмасдан ишлаш эхтимоллигини хисоблаб топилсин.

**3.** Арапаштиргичли курилма 4та йигиш бирлигидан иборат: двигатель, редуктор, арапаштирувчи курилма, корпус. Двигатель ва редукторнинг бузилиш интенсивлиги  $\lambda_1=\lambda_2=0,1$  йил<sup>-1</sup>, арапаштирувчи курилманини  $\lambda_5=0,5$  йил<sup>-1</sup>, корпусники эса  $\lambda_4=0$ . 6 ой давомида курилманинг бузилмасдан ишлаш эхтимоллигини аниклансин.

**4.** Цехнинг булимии учта курилмадан иборат. Улардан биринчи ва иккинчиси кетма-кет ишлайди, учинчиси эса иккинчи курилма учун юк ортадиган резерв булиб хизмат килади. Агар курилмаларнинг ишончлилиги  $P_1=0,9$  йил<sup>-1</sup>,  $P_2=P_3$

=0,5 йил<sup>-1</sup> булса, цех булими технологик схемаси ишининг ишончлилигини аниклансин.

## Foydalanilgan adabiyotlar

### 6.1. Asosiy adabiyotlar

1. Nurmuxamedov X.S., Babayev Z.K. Neft-gaz va kimyo sanoatlari qurilmalarini ta`mirlash va montaj. –Т.: Fan va texnologiya, 2014. -236 b.

2. Кузьменков П.Г. Ремонт бурового оборудования. Учебное пособие. – М.: РГУ нефти и газа им. И.М. Губкина, 2004. – 258 с..

3. Мамедов В.Т., Мирзоев О.Г. Ремонт и восстановление нефтепромыслового оборудования. Учебник. – Баку, АДНА, 2017, -427 с.

4. "Ўзнефтгазказибчиариш" АК нинг нефтгазказибчиарувчи корхона ва ташкилотларидағи технологик ускуналарга хизмат қўрсатиш тизими ва режали-оҳохлантирувчи таъмирлаш тўғрисидаги НИЗОМ. –Т.: 2010.

### 6.2. Qo'shimcha adabiyotlar

1. Бочарников В.Ф. Справочник мастера по ремонту нефтегазового технологического оборудования. Т. 1 –М.: Инфра-Инженерия, 2008. -576 с.

2. Бочарников В.Ф. Справочник мастера по ремонту нефтегазового технологического оборудования. Т. 2 –М.: Инфра-Инженерия, 2008. -576 с.

3. Самахвалов М.А. Монтаж и эксплуатация бурового оборудования. – Томск: Изд-во ТомПУ, 2019. -312 с.

4. Ладенко А.А. Технология ремонта и эксплуатации нефтепромыслового оборудования. Учебное пособие. –М.: Инфра-Инженерия,, 2019. – 180 с.

5. Семакина О.К. Монтаж, эксплуатация и ремонт оборудования отрасли. – Томск: ТомПУ, 2018. -184 с.

6. Фарамазов С.А. Ремонт и монтаж оборудования химических и нефтеперерабатывающих заводов. -М., Химия, 1988. - 304 с.

7. Молоканов Ю.К., Харас З.Б. Монтаж аппаратов и оборудования для нефтяной и газовой промышленности, -М.: Недра, 1982. - 391 с.

8. Бухаленко Е.И., Абдуллаев Ю.Г. Монтаж, обслуживание и ремонт нефтепромыслового оборудования. - М.: Недра, 1974. – 360 с.

### 6.3. Axborot manbalari

1. <http://www.gov.uz>. O'zbekiston respublikasining hukumat portali.

2. <http://www.dobi.oglib.ru/>. Neft va gaz elektron kutubxonasi.

3. <http://ziyonet.uz>. Axborot ta'lim tarmog'i.